O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 11 сентябрь, шанба • № 73 (11.156) • Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

ҲЕЧ КИМ НОМАЪЛУМ БЎЛИБ ҚОЛМАЙДИ

Шу йил 8 сентябрь куни вилоят ҳокимлигида вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев бошқарувида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш вилоят комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Маълумки, Бўзсув соҳилида кўплаб эрк қурбонларининг жасадлари мавжудлиги ҳақида кўп ёзувлар қайд этилган. Вилоят «Олтин мерос» жамғармасининг махсус экспедицияси шу йилнинг май ойидан бошлаб олиб борган қазув ишлари натижасида бу фактлар ўз тасдиғини топди. Кузатув давомида бу ҳудудда кўп сонли қурбонларнинг суяклари топилди ва тартибга солинди. Энди уларни иззат-икром билан дафн этиш зарур. Комиссия мажлисида шу масала чуқур ва атрофлича муҳокама этилди.

Вилоят «Олтин мерос» жамғармаси раҳбари З. Эшмирзаева, вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси Н.Насимов, «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Р. Шералиев ҳамда комиссиянинг бошқа аъзолари Салор қўрғонидаги Хотира мажмуини барпо этишни тезлаштириш хусусида ўзларининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ҳар битта қурбон бахтимиз учун, шу кунларимиз учун фидо бўлгани, уларнинг муборак номлари тикланиши зарурлиги эътироф этилди.

Комиссия йиғилишида мазкур масалалар бўйича тегишли мутасадди ташкилотларга мурожаат этилди ва бу ишларни уларнинг холисона ёрдамидан тезлаштириш ҳақида келишиб олинди.

«МЕҲРЖОН» — АЗАЛИЙ БАЙРАМ

***МУСТАҚИЛЛИК** шарофати билан мамлакатимизда миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланмоқда. Наврўз айёмининг умумхалқ байрами сифатида нишонланаётганлиги бунга яққол мисолдир. Халқимиз азалдан саховат ва шукроналик байрами сифатида ўтказиб келган «Меҳржон» байрами ҳам ана шундай анъаналаримиздан бири эди.*

У пишиқчилик, дала ҳосилини йиғиб-териб олиш, шукроналик айёми сифатида нишонланган. Афсуски, собиқ шўролар даврида бу яхши удум унутилди. Шуниси қувончлики, айни кунларда бу азалий байрам ҳам ўз қадрини топмоқда.

Хусусан, шу йил 9 сентябрь куни Тошкент вилояти ҳокими пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида вилоятимизнинг «Меҳржон» байрамини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда байрамни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий ишлар, масъул муассасалар ва идораларга аниқ топшириқлар ва тавсиялар берилган.

10 сентябрь куни «Меҳржон» — шукроналик байрамига га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди.

Ташкилий қўмита йиғилишини вилоят ҳокимининг муовини, ташкилий қўмита раисининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлигининг бўлим, бошқармалари бошлиқлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари иштирок этдиалр.

Унда «Меҳржон» — шукроналик байрамини ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан таниқли элшунос олим, тарихфанлари номзоди Билол Аминов байрамнинг моҳияти ҳақида тўхталар экан, ушбу айём ёшларда ва халқимизда нафақат истиқлолимизга шукроналик туйғусини шакллантириш, балки она заминимизга, саховатли деҳқон меҳнатига ҳурмат, бугунги эмин-эркин ҳаётимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлашда ўзига хос маънавий тарбия воситасини ўтажаклигини ҳам таъкидлади. Байрамни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси ва тадбир режиссёри Ўткир Тоҳиров, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи директори Баҳодир Султонов ва бошқалар ҳам ушбу байрамни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимлигининг тегишли бўлим ва бошқармаларига, шаҳар, туман ҳокимликларига зарур топшириқ ва кўрсатмалар берилди, қўшимча тадбирлар белгиланди.



***БЎКА** туманидаги «Ачамайли» ширкат хўжалигида бу йил 740 гектар майдонга пахтанинг эртапишар «Тошкент-6» нави экилганди. Барча техника тадбирлари ўз вақтида, оби-тобида ўтказилгани учун ҳосил барвақт пишиб етилмоқда. Сотиболди Душабоев бошлиқ бригада далаларида илк кўсаклар очилди. Хўжалик раҳбарлари 20 сентябрдан теримни бошлаб юбориш учун ҳозирлик кўрмоқдалар.*

***СУРАТДА:** бош ҳосилот Абдурашид Абдувалиев ва бригада бошлиғи Сотиболди Душабоев дастлабки очилган пахтанинг сифатини кўздан кечиришмоқда.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Қирғизистон жанубидаги вазият танглигича қолмоқда

***ЖИНОИЙ** тўдалар Қирғизистон ҳудудига дастлаб август ойининг бошида бостириб кирган эди. 20 кишидан сал ортиқ бўлган диверсиячи-террорчилар гуруҳи 5 кишини гаровга олиб, Ўзбекистон ҳудудига тўсиқсиз ўтиш имконини яратиб бериш ҳақида шарт қўйди.*

Шу пайтдан бошлаб минтақадаги вазият тобора кескинлаша борди. Тожикистон ҳудудидан Ўш вилоятининг Боткент ва Чўн-Олой туманларига янги-янги диверсион террорчилар гуруҳи кириб кела бошлади.

Жиноятчилар диверсия-террорчилик фаолиятининг энг синалган усулларини қўлламоқда. Улар кўприклар, мактабларни портлатмоқда, маҳаллий аҳолига зўравонлик қилмоқда. Ўнлаб кишини гаровга олган. Гаровга олинганлар орасида Япониянинг 4 фуқароси, Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар қўмондони бор.

Кейинги воқеалар ривожи таҳлили гап айрим диверсион, террорчилик ҳаракатлари устида эмас, экстремистик кучлар, бир қанча ислом давлатларининг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, Марказий Осиё давлатларига террорчилик ва диний экстремизмни олиб киришга қаратилган изчил, муайян мақсадга йўналтирилган бузғунчилик фаолиятида эканини кўрсатмоқда.

Қирғизистонда ўрнашиб олган жангарилар, улар ортида турган экстремистик кучлар, шу жумладан Афғонистон Ислом Давлати ва Тожикистон Республикасидаги ана шундай гуруҳлар ҳам,

(Давоми 3-бетда).

ҲУШЁР БЎЛИНГ, ОДАМЛАР

Кечагина бир дунё орзулар билан турмуш қурган ёш келинчакман. Табиийки, келажакка умид билан боқаман. Бу орзу-умидларимнинг бари эл-юрт осойишталиги, Ватан фаровонлиги билан бевосита боғлиқлигини яхши тушунаман. Шу боис, телевизор орқали Боткент воқеалари хусусидаги ҳар бир янгиликни, хабарни, шарҳни киприк қоқмай кузатаман.

Ватанфуруш жангари-босқинчиларнинг киши ғазабини қўзғатувчи ҳаракатларига тезроқ чек қўйилиши, бунинг учун чегарадош мамлакатларнинг баҳамжиҳат тадбирлар қўллашини истайман.

Гапнинг очиғи, диний экстремизм, халқаро террорчилик деган тушунчалар мағзига унча тушунмасдим. Шу ҳафтанинг чоршанба куни Ўзбекистон телевидениесининг дастлаб «Давр», кейин «Ахборот» информацион кўрсатувлари орқали шарҳсиз намойиш қилинган НТВ телеканали лавҳаларини кўриб, ислом дини ниқоби остида инсон кўзи кўриб, қулоғи эшитмаган ёвузликларни амалга ошираётган кимсаларга нафратим ошди ва Боткент воқеаларини янада жиддийроқ кузата бошладим.

Худога шукурки, омилкор юртбошимиз — Президентимиз бор. Халқимиз у кишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани нур устига аъло нур. Мен эса, оддий бир фуқаро сифатида, юртдошларимга мурожаат қилмоқчиман:

ҳушёр бўлинг, одамлар. Тинч, осойишта турмушимизга чеккадан раҳна солишларига йўл қўймайлик. Бир жон, бир тан бўлиб уларни даф қилиш учун бор имкониятларни ишга солишда камарбаста бўлайлик.

Нигора АЪЗАМОВА,
уй бекаси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

***ПОЙТАХТДАГИ** амалий санъат музейида Ўзбекистонда Япония маданияти кунларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Маросимни Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма хоним кириш сўзи билан очди.

— Япония маданияти кунлари Ўзбекистонда учинчи бор ўтказилмоқда, — деди жумладан элчи. — Ўйлайманки, қарийб бир ой давом этадиган бу тадбир орқали ўзбек халқи япон маданияти тўғрисидаги ўз тасаввурини янада бойитади. Ўз навбатида, маданият ва санъат билан танишув икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Ушбу тадбирни ташкил этишда бизга кўмак берган Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этамиз.

Очилиш маросими тугагач, япон миллий маданиятидан намуна сифатида ошибана, яъни қуритилган гул баргларидан гўзал манзаралар тайёрлаш санъати намойиш этилди. Ушбу тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар фақат японларгагина хос бўлган санъат асарларидан баҳраманд бўлди.

Шундай қилиб, юртимизда Япония маданияти кунлари бошланди. Бу сафар тадбир янада кенгроқ ва қизиқарлироқ ўтказилади. 2 октябрга қадар пойтахтнинг турли маданий муассасаларида икебана, оригами ҳамда миллий таом тайёрлаш санъатлари намойиш этилади, ўзбекистонликлар эътиборига япон кинофильмлари, мусиқасидан намуналар ҳавола қилинади.

(ЎзА).

НАЖОТКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

***ТУРКИЯДА** бўлиб ўтган табиий офат — зилзила бутун халқаро ҳамжамиятни ташвишга солиб қўйди. Дунё мамлакатлари қатори ўзбекистонликлар ҳам Туркия халқига ҳамдардлик билдириб, зилзиладан жабр кўрган кишиларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишди.*

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фожиа оқибатларини тугатиш бўйича 24 кишидан иборат қутқарувчилар гуруҳи Туркиянинг Сакария шаҳрида жабр кўрган аҳолини қутқариш, уй-жойлар ва жамоат жойларини тозалаш ишларини олиб боришди. Йигитларимиз табиий офат туфайли вайрон бўлган 210та бинони текширувдан ўтказдилар. Вайроналардан ҳалок бўлган саккиз кишининг жасади олиб чиқилди. Ўзбек йигитлари табиий офатдан жабр кўрган аҳоли учун палаткали шаҳарчалар қуриш ишларида ҳам фаол иштирок этишди. Қутқарув лагерида иш кўрган тиббий пунктда Санария шаҳрининг 530 нафардан ортиқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатилди.

Яқинда Туркия жумҳуриятида зилзила оқибатларини тугатиш борасида малакали ва ҳалол ишлаган ўзбекистонлик қутқарувчилар гуруҳи она юртимизга соғ-саломат қайтиб келишди.

Анжуманни қисқача кириш нутқи билан очган Фавқулодда вазиятлар вазири Баҳодир Қосимов халоскорларнинг фидокорона меҳнатларига юксак баҳо берди. Шунингдек, уларни «Ўзбекистон нажоткори» эсдалик белгиси билан тақдирлади.

Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Умур Апайдин жаноблари мамлакатимизнинг зилзила оқибатларини тугатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, фидокорликлари, қутқарувчиларимизнинг малакали ва ҳалол ишларидан ғоятда мамнун бўлганлигини изҳор этди.

Анжуман иштирокчилари республика Олий Мажлиси депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовнинг отаништафас сўзларини мароқ билан тингладилар.

Шунингдек, нажоткор йигитларимизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Экосан» халқаро жамғармаси, «Ўзбектуризм» ва бошқа ташкилотларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти сайлови ҳамда Олий Мажлисга сайлов ўтказишга тайёргарлик кўриш масалаларига бағишлаб республика Миллий матбуот маркази биносида хорижий ва маҳаллий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов анжуманга таклиф этилган чет эл ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакилларига ўтказилажак сайловларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ва унга тайёргарлик кўришнинг бориши ҳақида сўзлаб берди. Сайловларга ҳозирлик Марказий сайлов комиссияси ташкил этилганлиги матбуотда эълон қилинган 1998 йил август ойидаёқ бошлаб юборилган эди. Орадан ўтган даврда бир қатор ташкилий ишлар амалга оширилди.

Республикада амал қилаётган сайловларга оид қонунларга мувофиқ мамлакат ҳудудидаги сайловчилар сони аниқланиб, Президент сайлови ўтказиладиган 14та сайлов округи ҳамда Олий Мажлисга сайлов ўтказилувчи 250та сайлов округи тузилди ва матбуотда эълон қилинди. Округ сайлов комиссиялари таркиби, сайлов ҳужжатлари, иш қоғозлари ва бошқа ҳужжатларнинг намуналари тасдиқланди.

Президент сайловида иштирок этиш учун республикадаги бешта сиёсий партия — «Адолат» социал-демократик партияси, «Ватан тараққиёти» партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Фидокорлар» миллий-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ариза топширдилар.

Марказий сайлов комиссияси ўтказиладиган сайловларнинг оммавий ахборот воситаларида ҳозиржавоблик ва ҳаққоний, холис ва ошкора ёритилишини таъминлаш мақсадида хорижий ва маҳаллий журналистлар учун зарур қулайликлар яратмоқда. Жумладан, Миллий матбуот маркази биносида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ташкил этилди. У халқаро андозалар даражасида жиҳозланди. Бу ерда журналистлар сайловларга оид истаган маълумотларини олиш, махсус ҳужжатлар билан танишиш, кутубхона, компьютер, халқаро телефон алоқа тармоқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Анжуманда Марказий сайлов комиссиясининг Олий Мажлис депутатлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сиёсий партиялардан номзодлар кўрсатиш, уларни рўйхатга олиш ва эълон қилиш, шунингдек, сайлов жараёнига оид бошқа масалаларга бағишлаб ҳар ўн кунда бир марта ўтказиб туриладиган матбуот конференциялари жадвали ҳам оммавий ахборот воситалари вакилларига маълум қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

ШУ йил 9 сентябрь куни халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Уни вилоят сайлов комиссиясининг раиси Фаррух Мирзааҳмедов бошқарди.

Мажлисда сиёсий партиялар — Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик, «Фидокорлар» миллий демократик, «Ватан тараққиёти», «Адолат» социал демократик, «Миллий тикланиш» демократик партияларининг халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш учун вилоят сайлов комиссиясига берган аризалари кўриб чиқилди.

Ариза лар Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунига тўла равишда мувофиқ эканлиги эътироф этилди ҳамда вилоят сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайловларда иштирок этишларига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шунингдек, мажлисда халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиладиган сайлов округ комиссияларининг таркиби кўриб чиқилиб, тасдиқланди.

ДОВРУҒИ ДОВОН ОШМОҚДА

Яна икки кундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун ўтказиладиган навбатдаги халқаро теннис мусобақалари бошланади

***У ЁКИ БУ** халқаро мусобақанинг нуфузини унда иштирок этувчиларнинг жаҳон спорт таснифида тутган ўрни белгилайди. Шу нуқтаи назардан баҳолайдиган бўлсак, яхши анъанага айланиб қолган Ўзбекистон Президенти кубоги мусобақалари ҳам жаҳоннинг ўнлаб ривожланган мамлакатларида ўтказиб келинаётган халқаро турнирлар даражасига аллақачон етиб олган.*

Фикримизни далиллар билан исботлайдиган бўлсак, россиялик машҳур катта ракетка устаси Евгений Кафельников бу йил Президент кубоги баҳсларида учинчи марта иштирок этади. Лекин гап бунда эмас, балки унинг бугунги кунда жаҳон теннис таснифида эгаллаб турган ўрнида. Шу йилнинг бошида у ана шу таснифда тождорлик қилган бўлса, ҳозир иккинчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди.

Женева, Москва, Леон, Марсел, Галле, Ницца турнирларининг ғолиби, дунёда кучли ўнликдан ўрин олган Марк Россенинг ташрифи ҳам Президент кубогининг халқаро теннис оламида тан олинганидан далолат беради. Қолаверса, ушбу турнирнинг дунёдаги энг йирик теннис мусобақаларини бирлаштирган АТР — Тоис туркумига кирганига уч йил бўлганлиги, унда фақат энг ёрқин теннис юлдузлари иштирок этишининг ўзи ҳам Ўзбекистон катта теннис мамлакатига айланиб бораётганидан далолатдир.

Шунингдек, Президент кубоги мусобақаларини ёритиш учун 50дан зиёд хорижий мамлакатдан оммавий ахборот воситалари вакиллари ташриф буюради. Демак, 13-18 сентябрь кунлари жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидаги миллионлаб теннис мухлисларининг нигоҳи яна Ўзбекистон пойтахти Тошкентга қаратилади.

Самад ЙЎЛДОШ.

ВИЛОЯТ ҳаёти



• ҚИБРАЙ. Янгиобод қишлоғи марказида автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси фойдаланишга топширилди. Адҳамжон Олимов бошлиқ ўн кишидан иборат жамоа барча турдаги автомобилларни ёқилғи билан таъминлаш ишига ҳисса қўша бошлади.

• ТОШКЕНТ туманидаги Келес алоқа тармоғи бўлимида мустақилликнинг саккиз йиллик байрами ҳамда 1999 йил — Аёллар йили муносабати билан «Аёлларни ардоқланг» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унга шу тармоқда узоқ йиллар хизмат қилган фахрий онахонлар ҳам таклиф этилдилар.

УСТОЗЛАР МЕҲРИ

• Бу йил вилоятимиз ўқитувчилари сафига 1100 нафар ёш мутахассис қўшилди. Кўникма ҳосил қилишлари учун уларга тажрибали муаллимлардан иборат мураббийлар биркитиб қўйилди.

Хусусан, Пскент тумани халқ таълими бўлими қошида фаолият кўрсатаётган «Устозлар меҳри» гуруҳи 37 нафар ёш кадрларга ишда дадил қадам қўйиб олишларида мададкор бўлмоқдалар.

ҚЎШИҚЛАРДА ДЎСТЛИК МАДҲИ

• ДЎСТЛИК, биродарлик мавзуси — Оққўрғон тумани маданият ишлари бўлими бадиий жамоаларининг «Аёллар йили»даги фаолиятида бош ғояга айланиб қолди. Шу йилнинг етти ойи ичида ана шу руҳда ўндан ортиқ концерт кўрсатилди.

Куни кеча эса ўзбек, қозоқ, рус, корейс миллатларидан иборат бадиий дасталар «Даврони соз» деб номланган театрлаштирилган саҳналар ва танловларда сараланган қўшиқлар билан томошабинларни хушнуд этдилар. Туманнинг «Наврўзи Ажам», «Қувонч», «Юлдуз» ашула ва рақс дасталари бу тадбирда фаол қатнашдилар.

ЮРТИМИЗ — ФАХРИМИЗ

• КАДРЛАР тайёрлаш Миллий дастурига кўра вилоятимизда шу йилнинг 2-3 сентябрида очилган замонавий билим масканлари — касб-ҳунар коллежларининг таржимаи ҳоли сермазмун бошланди. Уларда ҳар кунги дарслар билан уйғун ҳолда «Юртимиз — фахримиз» мавзуида ўтган суҳбатлар мустақилликнинг саккиз йили ичида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, истиқлол моҳияти, Миллий дастурдан кўзда тутилган режаларга бағишланди.

Вилоятнинг Қибрай, Бўка, Чиноз туманларида қад кўтарган қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар даргоҳларида мазкур дарслар ўқувчилар фаоллигида ўтганлиги қайд этилди.

МИРСИДИҚ ҲОЖИ ҒОЛИБ ЧИҚДИЛАР

• ШУ йилнинг ўтган ойлари ичида маҳалла жамғармаси вилоят бўлими анча фаоллик билан ишлади. Бўлим жойлардаги маҳаллалар саранжом-саришталигини таъминлаш, бу ҳудудларда тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш, оқсоқоллар обрў-эътиборини ошириш мақсадида йил бошида «Тадбиркор маҳалла оқсоқоли», «Энг намунали маҳалла» номини олиш учун кўрик-танлов эълон қилган эди.

Куни кеча бу тадбир якунланди. Ҳакамлар ҳайъати Бўстонлиқ туманининг «Хўжакент» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Қоронқул» маҳалла оқсоқоли Мирсидиқ хожи Тўйчи ўғлини танлов ғолиби деб топди. Бу маҳаллада гузар, оталар чойхонаси, савдо, маиший хизмат шахобчалари қисқа муддат ичида қурилган. Ота ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, чорвачиликни ривожлантиришга муваффақ бўлганлар, йилқилар боқишни ҳам йўлга қўя олганлар. Тадбиркор оқсоқолнинг йил давомида кам таъминланганлар, ночорларга кўрсатган мурувватлари танлов якунида алоҳида инобатга олинди.

«Энг намунали маҳалла» кўригида эса Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гўзал» маҳалласи ғолибликни қўлга киритди. Бу ерда озодалик, ободончилик ишлари талаб даражасида ташкил этилган. Маҳалла фаоллари ёшлар тарбияси, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш масалалари билан изчил шуғулланаётганлиги ҳакамлар томонидан эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-, 12-моддаларига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 250та округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:

150-«БИНОКОР»

Комиссия раиси
Юсупов Қурбонбой — Тошкент вилоят Давлат педагогика институти кафедра мудири
Раис ўринбосари
Блюкин Виктор Товьевич — Ангрен шаҳар «Ўзбекконқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси
Комиссия котиби
Абдиқаюмов Ильхомжон Инамович — Ангрен шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси
Комиссия аъзолари:
Абдуқодиров Ўткир Умирзоқович — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» жамғармаси Ангрен шаҳар бўлими раиси
Аноров Отабек Абдувалиевич — Ангрен шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси
Лидовская Светлана Ивановна — «Ангреннон» ҳиссадорлик жамияти кадрлар бўлими йўриқчиси
Султонов Анарбек Исламбекович — Ангрен шаҳар хусусийлаштириш бўлими мутахассиси
Ҳакимова Фарида Саидисаевна — «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳуқуқшуноси
Ҳошимов Сайфуллахон Сафахонович — Ангрен транспортларни эксплуатация қилиш ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси раиси

151-«БЕКОБОД»

Комиссия раиси
Саидов Неъматжон — Бекобод шаҳар «Цементчи» футбол клуби раиси
Раис ўринбосари
Умурзақов Абдулла Байзакович — Бекобод шаҳар «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббий соғломлаштириш қисми поликлиникаси шифокори
Комиссия котиби
Нурматова Насиба Абдушукуровна — Бекобод шаҳар тиббиёт билим юрти директори ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Алижонова Айтгуль Тагаевна — Бекобод шаҳар «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси мухандис таржимони
Ачилов Мирқурбон — Бекобод шаҳар «Бекободцементтаъмирлаш» ҳиссадорлик жамияти устаси
Бабаева Наргиза Тожибековна — Бекобод «Сувоқова» корхонаси лаборанти
Дўсматов Абдукарим Абдусаматович — Бекобод шаҳар «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-навли прокат цехи иссиқ стан устаси
Қодирова Дильрабо Адилжановна — Бекобод шаҳар «Бекободцемент» ҳиссадорлик жамияти темир йўл цехи оператив ишлар бўйича мухандис-информатори
Миркамилов Сабиржон — Бекобод шаҳар «Бекобод» саноат техникуми ўқитувчиси

152-«ОЛМАЛИҚ»

Комиссия раиси
Ахмедов Ҳасанали Абдиғаниевич — «Ўзэлектромонтаж» трести Олмалиқ монтаж бошқармаси бошлиғи
Раис ўринбосари
Файназаров Абдали Алматович — Олмалиқ шаҳар хўжалик ҳисобидаги дезинфекция станцияси бош шифокори
Комиссия котиби
Пирогова Наталья Олеговна — Олмалиқ шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳуқуқшуноси
Комиссия аъзолари:
Алимбоева Мақсуда Эрматовна — Олмалиқ шаҳар 7-ўрта мактаб ўқув ишлари бўйича илмий бўлим мудири
Бўтаев Абдунасир Абдусаттарович — Олмалиқ шаҳар молия бўлими мудири
Илларионова Ангелина Анатольевна — Олмалиқ шаҳар «Уй-жой қурилиш» банки бош юрист консультанти
Маматқулов Абдурахим Абдукаримович — Олмалиқ тоғ металлургия комбинати рух заводи ишлаб чиқариш устаси
Ошепков Валерий Евгеньевич — Олмалиқ тоғ металлургия комбинати бўлим бошлиғи
Салоҳутдинов Нажмитдин — Олмалиқ шаҳар 14-касб-ҳунар мактаби директори

153-«ПСКЕНТ»

Комиссия раиси
Убайдуллаев Баҳтиёр Ҳамидуллаевич — Пскент туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
Раис ўринбосари.
Иномов Собиржон — Пскент тумани «Меҳнат байроғи» газетаси таҳририяти мухбири
Комиссия котиби
Жўраев Махмуд Усмонович — Пскент туман 79-ёрдамчи мактаб интернат директори ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Дадаматова Сайёра Илҳомовна — Пскент тумани марказий кутубхонаси мудири ўринбосари
Ортиқов Исроил Эшмуродович — Пскент тумани «Истиқлол» фермер хўжалиги раиси
Сатторова Башорат Абдусаматовна — Пскент тумани «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари
Файзиева Лутфиниса — Пскент тумани халқ таълими бўлими Ташхис маркази раҳбари
Харисова Анна Димитриевна — Олмалиқ шаҳар «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси
Шодиева Манзура Фозиловна — Олмалиқ шаҳар «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлим бошлиғи

154-«ОҲАНГАРОН»

Комиссия раиси
Шамсиддинов Анвар — Оҳангарон туман ўрмон хўжалиги директори
Раис ўринбосари
Дўстбоев Маҳамадали — «Оҳангаронцемент» ҳиссадорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи
Комиссия котиби
Йўлдошева Нигора Ашуралиевна — Оҳангарон тумани ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси
Комиссия аъзолари:
Водопьянов Владимир Григорьевич — Ангрен шаҳар «Чотқол» қўшма корхонаси директори
Мамасидиқова Наргиза Тилаволдиевна — Оҳангарон туман ҳокимлиги ижрони назорат қилиш гуруҳи раҳбари
Назиров Нуриллахон Ҳабибуллахонович — Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими назоратчиси
Ҳайдарова Зумрадхон Турсунходжаевна — Оҳангарон туман марказий шифохонаси бўлими бошлиғи
Юлдашев Жасур Абдурашидович — Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги мутахассиси
Карабашев Рахим — Тошкент вилояти Давлат педагогика институти «Камолот» жамғармаси раиси

155-«ТЎЙТЕПА»

Комиссия раиси
Турғунов Нуриддин Қуттиевич — Ўртачирчиқ тумани А. Икромов номли очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раиси
Раис ўринбосари
Эргашев Маҳкам Мирзақулович — Ўртачирчиқ тумани «Нажот» касалхонаси бош шифокори
Комиссия котиби
Хайитбаев Шавкат — Ўртачирчиқ тумани 27-ўрта мактаб директори
Комиссия аъзолари:
Айнакулов Камол — Ўртачирчиқ тумани 7-ўрта мактаб директори
Давлатова Дилбар — Ўртачирчиқ тумани 47-мактаб директори
Мўминкулов Абдурашид — Ўртачирчиқ тумани «Янги ҳаёт» қўрғони участка нозири
Турсунхўжаев Саидқосим — Оҳангарон тумани «Эйвалек» махсус темир-бетон ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари
Шин Виталий Владимирович — Ўртачирчиқ тумани Туйтепа металл қурилмалар заводи директори
Кудратов Камол — Ўртачирчиқ тумани 62-ўрта мактаб директори

156-«ЎРТАЧИРЧИҚ»

Комиссия раиси
Жўраев Қурбонали Жуманович — Ўртачирчиқ тумани Охунбобоев номли деҳқон-фермер хўжалик уюшмаси раиси
Раис ўринбосари
Ҳудойқулов Тожмамат Рўзиматович — Ўртачирчиқ тумани «Қорасув» деҳқон-фермер хўжаликлар уюшмаси раиси
Комиссия котиби
Умаркулова Мариям — Ўртачирчиқ тумани О. Бердиев номли лицей интернат директори
Комиссия аъзолари:
Жуманова Раъно Омоновна — Ўртачирчиқ тумани 38-ўрта мактаб директори
Зоиров Ботир Ғуламович — Ўртачирчиқ туман халқ таълими бўлими услубчиси
Қаликулов Абдуманнон — Юқоричирчиқ туман 23-мактаб ўқитувчиси
Саидова Амина Садиқовна — Ўртачирчиқ тумани «Қорасув» пахта тозалаш заводи кадрлар бўлими бошлиғи
Ходжаев Акбар Юлдашович — Ўртачирчиқ тумани 3-ўрта мактаб директори
Қўшоқов Даврон — Ўртачирчиқ тумани 49-ўрта мактаб директори

157-«КИМЁГАР»

Комиссия раиси
Рискимов Акрам Рискимович — Чирчиқ «Табиатни муҳофаза қилиш» минтақавий қўмитаси раиси
Раис ўринбосари
Шерматов Ҳамидулла Абдуллаевич — Чирчиқ «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ истеъмоли моллари бўлими бошлиғи
Комиссия котиби
Азларова Санобар Мадиевна — Чирчиқ «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси кадрлар бўлими нозири
Комиссия аъзолари:
Аникин Андрей Александрович — Чирчиқ «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси системаларни автоматлаштирилган бошқаруви бўлими бошлиғи
Ганиева Замира Анорбековна — Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар корхонаси касаба қўмитаси раиси ўринбосари
Ергашов Рустам Юлдошевич — Чирчиқ «Кимё-технология» коллежи директори
Ким Раиса Будажановна — Чирчиқ шаҳар «Саноаткорхоналари» тиббий қисмлари бирлашган шифохонаси бўлими бошлиғи
Первухина Ирина Владимировна — Чирчиқ «Электрокимёсаноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобчиси
Яминова Салима Ҳасановна — Чирчиқ шаҳар «Чирчиқ» газетаси таҳририяти муҳаррири

158-«МАШИНАСОЗЛАР»

Комиссия раиси
Мирзаев Джурабек Абдуллаевич — Чирчиқ шаҳар «Ўзбекқимёмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бош директори ўринбосари
Раис ўринбосари
Курбонов Норпўлат Сотиболдиевич — Бўстонлиқ туман Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи
Комиссия котиби
Юлдашева Мавлюда Абдурахимовна — Чирчиқ шаҳар «Ўзбеккимёмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти кадрлар бўлими катта инспектори
Комиссия аъзолари:
Бегматова Назира Эргашевна — Чирчиқ шаҳар «Трансформатор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мухандиси
Варра Дмитрий Эдуардович — Чирчиқ шаҳар «Ўзбеккимёмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти мухандис-конструктори
Дуйсебаева Татьяна — Бўстонлиқ тумани санитария эпидемиология станцияси бош шифокори
Зухуров Адҳамбек Ҳасанович — Чирчиқ шаҳар «Чирчиққишмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси раиси
Кенжаев Хислат Жўраевич — Чирчиқ шаҳар «Трансформатор» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти юрист консульти
Одинаев Валижон Солиевич — Бўстонлиқ тумани мусиқа мактаби директори

159-«ЧОРВОҚ»

Комиссия раиси
Аширбоев Тошмат — Бўстонлиқ тумани 125-автокорхона директори
Раис ўринбосари
Гулметов Қўрғонбой Холматович — Бўстонлиқ тумани «Fазалкент-ойна» ҳиссадорлик жамияти раиси
Комиссия котиби
Арипбоев Рахимбой — Бўстонлиқ тумани «Чорвоқ» сув омбори бошлиғи
Комиссия аъзолари:
Байдуллаев Абдуюсупбек — Бўстонлиқ тумани 9-ўрта мактаб директори
Жажиков Каримбой Тиллабоевич — Бўстонлиқ жамоа хўжалиги тафтиш комиссияси раиси
Исроилова Шоира Ўктамовна — Бўстонлиқ тумани 4-болалар боғчаси мудираси
Нуримбоев Собир Алимович — Бўстонлиқ тумани Fазалкент маданият саройи директори
Ўсаров Анвар — Бўстонлиқ тумани «Чорвоқ» ГЭС қурилиш-таъмирлаш цехи механиги
Шамсиева Альмира Нуриллаевна — Бўстонлиқ тумани 7-болалар боғчаси мудираси

160-«ПАРКЕНТ»

Комиссия раиси
Миракбаров Мирзакбар — Паркент тумани 9-мактаб директори
Раис ўринбосари
Икромов Мухсим Акрамович — Паркент тумани «Нуроний» жамғармаси раиси
Комиссия котиби
Икромов Баҳодир Тожибоевич — Паркент туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Бекназаров Хайриддин Иброхимович — Паркент тумани Солиқ инспекциясининг кадрлар бўйича мутахассиси
Миркаримова Махсуба — Паркент тумани 11-болалар боғчаси мудираси
Нуров Аҳмад Маҳмудович — Паркент тумани автомат-телефон станцияси очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси
Нуров Умар Бозорович — Паркент тумани «Автомотоҳаваскорлар» жамияти раиси
Тўрабоев Маҳмудбой Аҳмедович — Паркент тумани газлаштириш идораси бош мухандиси
Яров Исмон Усмонович — Паркент тумани Давлат нотариал идораси нотариуси

161-«ЮҚОРИЧИРЧИҚ»

Комиссия раиси
Абдуллаев Саидмахмуд Убайдуллаевич — Юқоричирчиқ тумани «Суръат-Қаркын» газетаси муҳаррири
Раис ўринбосари
Наврузов Хамроқул Гадоевич — Юқоричирчиқ тумани дезинфекция станцияси бош шифокори
Комиссия котиби
Алашбаев Искандер Рахимбердиевич — Юқоричирчиқ тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Қурбанов Аскарали Турдиалиевич — Бизнес Фонд Юқоричирчиқ тумани бўлими бошқарувчиси
Калимулин Камил — Юқоричирчиқ тумани 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тренери
Назаров Бахтиёр Сарсенович — Юқоричирчиқ тумани марказий касалхонаси бош шифокори ўринбосари
Садыкбаев Бегали Зайнулович — Юқоричирчиқ тумани биноларни техник руйхатдан ўтказиш кадастр бюроси бошлиғи
Сеитова Раиса Убайдуллаевна — Паркент тумани «Қорақалпоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Тошбоев Ғайрат Тўлаевич — Юқоричирчиқ тумани «Янгибозоргаз» корхонаси бошлиғи

162-«ЯНГИЙЎЛ»

Комиссия раиси
Абдуллаев Нуриддин Абдуллаевич — Янгийўл шаҳар молия бўлими мудири
Раис ўринбосари
Хусанов Зукрулло Нуриллаевич — Янгийўл туман ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика иқтисодчиси
Комиссия котиби
Рахимова Севара Нишаналиевна — Янгийўл шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси
Комиссия аъзолари:
Андреева Светлана Юрьевна — Янгийўл шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи ўринбосари
Йулдошалиев Аҳмаджон Абдураимович — Янгийўл шаҳар Иссиқлиқ манбаи корхонаси раҳбари
Рихсибоев Эркин Эргашевич — Янгийўл шаҳар марказий шифохонаси жаррох-рентгенологи
Сабоев Мадамин Абдугаппарович — Янгийул тумани Шўралисой қишлоғи Марказ маҳалла қўмитаси раиси
Толипов Мирҳабиб Якубович — Янгийул «Ёғ-мой» ҳиссадорлик жамияти бош мухандиси
Худойберганов Тўлқин Низомиддинович — Янгийул «Киновидео» ҳиссадорлик жамияти раиси

163-«ЗАФАР»

Комиссия раиси
Абдукабиров Одилжон Собирович — Бекобод тумани 10-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи
Раис ўринбосари
Охунов Одил Абдуқаюмович — Бекобод тумани статистика ва ҳисоблаш маркази иқтисодчиси
Комиссия котиби
Дўсматов Абдуқаюм — Бекобод тумани 6-ўрта мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари:
Бухорбоев Сайдулло Абдуллаевич — Бекобод тумани Fалаба жамоа хўжалиги механизатори
Намуратов Абдураззоқ Абдурасулович — Бекобод тумани Авангард жамоа хўжалиги ишчиси
Фарманова Зулфия — Бекобод тумани марказий шифохонаси шифокор-акушери
Худойназарова Замира Абдугаффаровна — Бекобод тумани Далварзин таъмирлаш заводи маданият уйи директори
Эргашев Абдужаббор Абдувалиевич — Бекобод тумани Янги ҳаёт халқ корпорацияси касаба уюшма қўмитаси раиси
Fозиев Fозибек Абилович — Бекобод тумани 2-ҳунар-техника билим юрти директори ўринбосари

164-«БЎКА»

Комиссия раиси
Дўсматов Жўра — Бўка тумани 5-ўрта мактаб директори
Раис ўринбосари
Тошев Сафар — Бўка тумани Ачамайли жамоа хўжалиги бош иқтисодчиси
Комиссия котиби
Курбонкулов Хусниддин — Бўка тумани 4-ўрта мактаб директори
Комиссия аъзолари:
Акмалов Абдумалик Мажидович — Бўка туманлараро босмахонасида иқтисодчи-мухандис
Аширматов Бахтиёр Боқижонович — Бўка туман якка тартибда уй-жой қурилиши бўлими бошлиғи
Мирбобоев Шерали Ҳасанович — Бўка туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош иқтисодчиси
Сарикулов Ислом — Бекобод тумани 49-ўрта мактаб директори
Тувалов Қўчқор — Бўка тумани марказий шифохонаси шифокор-эпидемиологи
Ҳасанов Аҳмаджон — Бекобод тумани 32-ўрта мактаб директори

165-«ЗАНГИОТА»

Комиссия раиси
Эшонов Ҳуснитдин Нигматович — Зангиота тумани почта алоқа тармоқлари бошлиғи
Раис ўринбосари
Иноғомов Аскар Акромович — Зангиота тумани марказий шифохона бош ҳисобчиси
Комиссия котиби
Хатамов Абдусаттор Абдумаликович — Зангиота тумани «Истиқбол» рўзномаси бош муҳаррири
Комиссия аъзолари:
Боймуродова Санобар Бегиевна — Зангиота тумани «Ижтимоий мослашув» маркази раҳбари
Исмоилов Файзулла Бўриевич — Зангиота тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси
Отабекова Шоира Зиятовна — Зангиота тумани «Соғлом авлод учун» жамғармаси таянч пункти раҳбари
Рустамова Ҳолида Исроиловна — Зангиота тумани халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси
Саидов Жаҳонгир Набиевич — Зангиота тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси
Холмуродов Исмадулла Юсупович — Зангиота тумани «Пенсия» жамғармаси бўлими бошлиғи

166-«ҚИЗҒАЛДОҚ»

Комиссия раиси
Ёкубов Зайниддин Жураевич — «Тошкент почтаси» акционерлик жамияти Келес бўлими бошлиғи
Раис ўринбосари
Абдураимова Мавжуда Тохировна — Тошкент тумани Статистика бўлими раҳбари
Комиссия котиби
Faффоров Ғайрат — Тошкент тумани 9-ўрта мактаб директори ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Азимова Муфаррах — Тошкент тумани 9-ўрта мактаб ўқитувчиси
Иноғомов Ҳотам — Тошкент тумани 9-мактаб директори
Каримов Соибназар Назарович — Тошкент тумани Марказий шифохона жарроҳи
Мирсобитов Аъзам Тўлқинович — Тошкент тумани «Қизғалдоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Набиева Назира Усмоновна — Тошкент тумани Марказий поликлиника шифокори
Саидова Мавлуда Саидхоновна — Тошкент тумани Келес даҳаси кўп қаватли уйларни эксплуатация қилиш бўлими бошлиғи

167-«САЛОР»

Комиссия раиси
Одилов Зухритдин Зайниддинович — Қибрай туманидаги 29-мактаб директори
Раис ўринбосари
Солибоев Лутфиддин Нуриддинович — Қибрай тумани «Турон» санатарияси ёрдамчи хўжалиги бошлиғи
Комиссия котиби
Камолов Манноп Рустамхўжаевич — Қибрай тумани ичимлик сув таъминоти корхонаси бош мухандиси
Комиссия аъзолари:
Абдувалиева Гулбахира Керинбаевна — Қибрай тумани «Fўза селекцияси ва уруғчилиги» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси иш юритувчиси
Алимов Собит — Тошкент тумани «Юнусобод» қишлоқ фуқаролар йиғини иш юритувчиси
Бердибаев Қўчқор — Қибрай тумани Янги Тошкент консерва комбинатида иқтисодчи
Исабоев Эркин Файзиевич — Қибрай тумани «Турон» жамоа хўжалигида автоулов ҳайдовчиси
Расулов Бахтиёр Умарович — Қибрай тумани ҳокимлиги хўжалик ишлари бўлими мудири
Кўзибоев Исмоил — нафақахўр

168-«ҚИБРАЙ»

Комиссия раиси
Бобокалонова Шоҳида — Қибрай тумани халқ таълими бўлимида назоратчи-методист
Раис ўринбосари
Тўлаев Обиджон Махамаджонович — Қибрай тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош мухандиси
Комиссия котиби
Эргашев Исломжон Соҳибжонович — Тошкент почтаси очиқ турдаги акциядорлик жамияти Қибрай филиали назоратчиси
Комиссия аъзолари:
Бахромов Аслонбой Мирзахмадович — Ўзбекистон пахтачилик илмий текшириш институти марказий тажриба хўжалиги директори
Гулматов Рихситилла — нафақахўр
Джуматаева Мавлуда Холматовна — Қибрай тумани «Чинобод» қишлоғи хотин-қизлар қўмитаси раиси
Эрматова Муножот Мансурхоновна — Қибрай тумани фахрийларни соғломлаштириш маскани бўлими бошлиғи
Мирмаксудов Рустам Миржалолович — «Саноаткурилишбанк» Қибрай туман бўлимида мутахассис
Мирзакаримов Фурқат Эргашевич — Қибрай тумани «Қипчоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини иш юритувчиси

169-«ҚУЙИЧИРЧИҚ»

Комиссия раиси
Норматова Марҳабохон — Қуйичирчиқ тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси
Раис ўринбосари
Аскархўжаев Саидмуҳаммадзокир Саиданвар хожи ўғли — Қуйичирчиқ тумани «Меҳнатобод» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
Комиссия котиби
Вохидов Ориф Рауфович — Қуйичирчиқ тумани халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари
Комиссия аъзолари:
Омонова Хушёр — Қуйичирчиқ тумани 11-мактаб ўқитувчиси
Отаханова Минаввар Исламовна — Қуйичирчиқ тумани «Янги ҳаёт» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси
Ашурқулов Қарсибой — Қуйичирчиқ тумани Улуғбек номли жамоа хўжалиги участка бошлиғи
Ортикова Шоира Толиповна — Қуйичирчиқ тумани Қизил Ярим Ой жамияти раиси
Салибаев Базарбай — Қуйичирчиқ тумани «Ўзкимётаъминот» корхонаси раҳбари
Ҳасанова Муборак — Қуйичирчиқ тумани «Юлдуз» жамоа хўжалиги болалар боғчаси мудираси

170-«ОҚҚЎРҒОН»

Комиссия раиси
Шокиров Ҳамидулла Турғунович — Оққўрғон туман 7-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи
Раис ўринбосари
Ахтанов Сайдазим — Оққўрғон тумани электр тармоқлари корхонаси катта назоратчиси
Комиссия котиби
Мирзакаримова Шоҳида Турғуновна — Оққўрғон тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири
Комиссия аъзолари:
Мажидова Насиба — Оққўрғон тумани «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси
Пардаев Мамарасул Маркаевич — Ўртачирчиқ тумани Тўйтепа «Транссельхозхимия» корхонаси раиси
Сулайманов Вали Абдужаббарович — Оққўрғон тумани А. Сулаймонов номли деҳқон-фермер хўжалиги раиси
Турсунбоев Султонбой — Ўртачирчиқ туманлараро «Агрокимётаъминот» базаси директори ўринбосари
Худойқулова Анорхон — Оққўрғон тумани «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари
Худойбоқов Неъматулла Раҳматович — Оққўрғон тумани ҳокимлиги иқтисодиёт ва статистика бўлими бош мутахассиси

171-«ЧИНОЗ»

Комиссия раиси
Маҳкамов Мазбут — Чиноз тумани 40-сон ўрта мактаб директори
Раис ўринбосари
Ибрагимова Фарида — Чиноз тумани 2-сон ўрта мактаб директори
Комиссия котиби
Отажонов Абдураззоқ — Чиноз тумани хусусийлаштириш, корхона ва ташкилотларни руйхатга олиш бўлими бошлиғи
Комиссия аъзолари:
Акромов Абдурахмон — Чиноз тумани хўжалик ҳисобидаги «Мингчинор» савдо корхонаси раҳбари
Деревянко Елизавета Ивановна — Чиноз тумани машина-трактор парки ҳисобчиси
Кучиев Хакимжон Темирович — Чиноз туман юридик маслаҳатхонаси мудири
Нуршатов Шариббек — Чиноз улгуржи-чакана савдо бирлашмасига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Олмазор» автокорхонаси раҳбари
Суннатов Ҳурматилла Иззатиллаевич — Чиноз тумани «Гулзоробод» ширкат хўжалиги бригада бошлиғи
Фозилов Мирвали — Чиноз тумани «Фозил» хусусий чорвачилик хўжалиги раҳбари

172-«НАВБАҲОР»

Комиссия раиси
Хаитбоев Шокиржон Хошимович — Янгийўл тумани Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналарини синаш станцияси директор ўринбосари
Раис ўринбосари
Тошмухамедов Fиёс — Зангиота тумани биноларни техник кўрикдан ўтказиш бюроси инспектори
Комиссия котиби
Курбонов Набижон Курбонович — Янгийўл тумани Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машиналарини синаш станцияси етакчи мутахассиси
Комиссия аъзолари:
Абжонов Баҳодир Жулдасбаевич — Янгийўл тумани «Матлуботсавдо» корхонаси хўжалик мудири
Аҳмедов Ўринбой Хасанович — Зангиота тумани «Усканакурувчи» ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари
Охунова Малика — Зангиота тумани «Қорасув» фермер хўжалиги хотин-қизлар қўмитаси раиси
Турсунбоева Малика Арслонбоевна — Янгийўл туман халқ таълими бўлими касаба уюшмаси раиси
Усмонов Ойбек Акбарович — Янгийўл туман ҳокимлигида бош мутахассис
Ўсаров Бахтиёр Кучкаралиевич — Янгийўл тумани «Ниёзбош» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси

173-«ЭСКИ ҚОВУНЧИ»

Комиссия раиси
Устабобоев Зойиджон Сайдуллаевич — Янгийул туман «Матлуботсавдо» акционерлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси
Раис ўринбосари
Рахматуллаев Ҳошимжон — Тошкент «Сувқурилиши» трести 2-механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи
Комиссия котиби
Охунова Муътабархон — Янгийўл тумани марказий поликлиникаси мудираси
Комиссия аъзолари:
Аталиков Меликўзи Ташенович — Янгийўл тумани «Эски Қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Ахмедова Матлуба — Янгийўл тумани О. Бекходжаев номли нон корхонаси касаба уюшмаси раиси
Баратов Тугал — Чиноз туман «Иттифоқ» қишлоғи Норқўзиев маҳалла қўмитаси раиси
Дадажонов Жўрабой — Янгийул тумани 44-мактаб директор ўринбосари
Иргашева Нодира Кучкаровна — Янгийўл тумани «Эски Қовунчи» маҳалла қўмитаси котиби
Маҳмудова Насиба Шариповна — «Соғлом авлод учун» жамғармаси Янгийўл туман бўлими ҳисобчиси.

Марказий сайлов комиссияси Раиси
Н. КОМИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1999 йил 8 сентябрь.

ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида зиддият келтириб чиқариш учун таянч нуқталари, лагерлар, плацдармлар барпо этиш учун ўзаро мувофиқлаштирилган босқинчилик ҳарбий ҳаракатларини, Ўзбекистоннинг ўзида ҳамда Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда диверсион-террорчилик ва бузғунчилик ишларини амалга ошириш учун таянч базалари, лагерлар, плацдармлар ташкил этиш мақсадида мувофиқлаштирилган босқинчилик ҳарбий хатти-ҳаракатларини уюштирмоқда.

Шу нарса аниқландики, жангариларнинг ҳаракат йўналишлари, уларнинг база ва лагерларининг жойи илгаридан, сўнгги 2-3 йил мобайнида белгилаб олина бошланган.

Жангариларнинг бузғунчилик фаолияти микёсининг тобора кенгайиб бориши ҳам эътиборни тортади. Боткент туманига бостириб кирган жиноятчилар тўдаси дастлаб 21 кишидан иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, Боткент ва Чўн-Олой туманларида энг замонавий қуролларга эга, Афғонистон, Тожикистон ва Чеченистондаги турли террорчилик марказларида тайёргарлик кўрган жангариларнинг сони, турли маълумотларга қараганда, 400дан 700 кишигача етади. Улар чиқиш қийин бўлган тоғли жойларга ўрнашиб олиб, Қирғизистон жанубидаги стратегик жиҳатдан муҳим аҳоли пунктларини (Зардоли, Кўрғон, Ҳожи Очган, Янги Довон ва бошқаларни) назорат қилиб турибди.

Қирғизистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жиноятчи тўдалар таркибида Қирғизистонга Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиб олган турли миллатга мансуб ёлланган шахслар: тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, покистонликлар, араблар, афғонлар жанг қилаётгани ҳақида ишончли далиллар бор.

Шундай қилиб, Тожикистон ва Қирғизистоннинг бир қанча мансабдор шахсларининг (Тожикистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби З.Саидов, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи Н.Чомоев ва бошқаларнинг) Боткентда «Ўзбекистон ислом ҳаракати» деб аталмиш ташкилот жангарилари жанг қилаётгани, уларнинг асосий мақсади диверсия ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб, вазиятни издан чиқаришдан иборат эканини ҳақидаги баёнотлари ҳақиқатга тўғри келмай қолди. Қирғизистон ҳамда бошқа бир қанча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари бу фикрларга ёпишиб олиб, жамоатчиликка қирғизлар бошига ёпирилган барча «кулфат» мана шу «ўзбек муаммоси»дан келиб чиқмоқда, деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Аммо, бугун шу нарса равшан бўлдики, бандитизмнинг миллати йўқ, жангарилар гуруҳларининг кейинги «байналмилаллашуви» Тожикистонда ва Қирғизистон жанубида халқаро терроризм марказининг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, минтақанинг барча давлатлари ва МДҲнинг бошқа давлатларига жиддий ва бевосита хавф туғдиради. Мазкур стратегиянинг ғоявий йўлбошчиларида шундай фикр туғилдики, Қирғизистоннинг амалда муҳофазасиз, чегара ёки бошқа ҳарбий қисмлар томонидан қўриқланмаётган Ўш ва Жалолобод вилоятлари улар учун ўзларининг узоққа мўлжалланган режаларини осонгина амалга ошириш, энг аввало, диний экстремизм, терроризм ва наркобизнесни ёйиш учун ниҳоятда қулай база бўлиши мумкин.

Қирғизистон ва Доғистондаги жангарилар гуруҳлари хатти-ҳаракатларининг тактикаси, шакли ва усулларини солиштириш, воқеаларнинг деярли бир пайтда бошланиши, уларнинг раҳнамоларининг ғоявий қарашлари бир хил экани ва бошқа кўплаб объектив омиллар экстремистик кучларнинг МДҲ ҳудудининг турли минтақаларида, энг аввало, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда кенг кўламли, мувофиқлаштирилган «хужуми»дан далолат беради.

Олинаётган маълумотлардан кўринадики, «Боткент муаммоси» сурункали шакл касб этмоқда ва унинг оқибатларини олдиндан аниқ айтиш қийин.

Юзага келган шароитда шу нарса аён бўлдики, Қирғизистон раҳбарлари радикал ислом гуруҳлари туғдираётган хавф-хатарга етарлича баҳо бермаган ҳамда жангариларнинг босқинчилигига муносиб жавоб қайтаролмаган. Қирғизистон раҳбариятининг диний экстремистик оқимлар хавфи ҳақидаги мавҳум баёнотлари ҳам шундан далолат беради.

Ҳукуматнинг тегишли чора-тадбирларни амалга оширмаётгани ва Қирғизистон ҳарбий тузилмаларининг жангариларни йўқ қилиш борсида аниқ режа ишлаб чиқиб, уни муваффақиятли амалга оширишга қодир эмаслиги республикада кенг жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Қирғизистон жамоатчилиги ҳукумат раҳбарларидан мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига тажовуз қилган террорчилик ҳаракати туғдираётган хавфга қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда. Бу ҳақда жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам гувоҳлик бермоқда. Хусусан, депутатлар Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россиянинг куч ва имкониятларини бирлаштириб, минтақадаги аҳоли хавфсизлиги ва тинчлигига таҳдид солаётган кучларга зарба бериш лозим деган фикрда.

Шуни қайд этиш лозимки, Қирғизистон жанубидаги танг ҳолатнинг вужудга келиши Тожикистонда кечаётган жараёнларнинг бевосита оқибатидир.

И.Раҳмонов бошчилигидаги ҳукумат томонидан ички вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни танг ҳолатдан олиб чиқиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Тожикистондаги ҳолат ҳам тобора кескинлашмоқда. Ихтилофлар, турли гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кучаймоқда, жиноятчилик авж олмоқда.

Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири — мухолифат қуролли кучларининг Тожикистон ҳарбий кучларига келиб қўшилиши жараёнининг тўлиқ тугалланмаганидадир. Бирлашган тожик мухолифати раҳбарияти жаҳон жамоатчилигига ўз ҳарбий бўлинмаларининг тарқатиб юборилгани тўғрисида баёнот берган бўлса-да, аслида ислом мухолифати Тожикистон Республикаси қуролли кучлари сафига фақат бир қисм жангариларини қўшган, улар ўз гуруҳларининг ихтиёрий равишда тўлиқ қуролсизланишини амалга оширмоқчи эмас.

Мавжуд маълумотларга кўра, бирлашган тожик мухолифатининг таниқли вакиллари ва ҳарбий командирлари, жумладан, Саид Абдулло Нурийнинг ўзи, республиканинг ҳукумат назоратидан холи жойларида, жумладан, Тавилдара, Жирғитол туманларида ва умуман Гарм ва Қоратегин ҳудудида жойлашган ўзларига қарашли қуролли гуруҳларни дахлсиз сақлаб қолган. Ушбу бўлинмалар Душанбе расмий ҳукуматининг барча тақиқларига қарамасдан, доим жанговар ҳолатда туради, озиқ-овқат ва бошқа моддий захиралар билан таъминланади.

Бирлашган тожик мухолифати Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши курашда иштирок этган ўзбекистонлик экстремистлар, жангарилар гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Ҳукуматнинг мазкур экстремистик гуруҳларни қуролсизлантириш ва уларни Ўзбекистонга топширишга йўналтирилган ҳар қандай уриниши бирлашган тожик мухолифатининг қатъий қаршилигига учрамоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар нафақат Тожикистон Республикасидаги қуролли зиддиятнинг янги босқичини бошлаб бериши, балки минтақадаги вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Қирғизистон жанубидаги воқеалар бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда Қирғизистонда жанг қилаётган жиноятчи гуруҳларнинг кўпчилиги бирлашган тожик мухолифати томонидан тайёрланган. Ушбу отрядлар фаолияти Қирғизистон билан чегарадош Жирғитол, Ҳайит аҳоли пунктларидан туриб бошқарилмоқда. Улар бирлашган тожик мухолифати назорати остидаги ҳудуддан қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминланмоқда. Диверсион-террорчилик тўдалари ортида афғонистонлик ҳомийлар ҳам турибди. Бирлашган тожик мухолифати етакчилари, жиноятчи тўдалар раҳбарлари «Толибон» ҳаракати билан ҳам мустаҳкам алоқада экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳукумати юзага келган вазиятда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича кескин чора-тадбирлар кўрмоқда. Ўзбекистон қуролли жиноий тўдалар ҳужумига қарши курашда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Шу йилнинг 28 августида, босқинчилик энг авжига чиққан пайтда Ўш шаҳрида минтақа давлатларининг ташқи ишлар ва ҳарбий вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш якунлари бўйича ҳарбий муассасаларнинг жиноий тўдаларга қарши самарали кураш олиб бориши бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмлари белгилаб олинди, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги ҳузурида бирлашган оператив гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳга Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон вакиллари билан бир қаторда, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг катта офицерлари ҳам киритилган.

Марказий Осиё минтақасида экстремизм ва терроризмга қарши биргаликдаги кураш, Қирғизистон жанубидаги муаммони ҳал қилиш масалалари мамлакатимизга ташриф буюрган Россия мудофаа министри И.Сергеев билан мулоқот пайтида муҳокама қилинди.

Қирғизистон томонининг илтимосига кўра, Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучлари жангарилар тўпланган жойлар, стратегик коммуникацияларга муваффақиятли зарбалар берди. Бу зарбалар босқинчилик ёйилиб кетишининг олдини олишда самарали омил бўлди.

Ўзбекистонда давлат чегарасини ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга доир чоралар кўрилмоқда. Мамлакат Қуролли кучларининг қисм ва бўлинмалари, ҳарбий тузилмалари диверсион-террористик гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган ҳужумга қарши зарба беришга шай ҳолда турибди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, Қирғизистон жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар шунчаки терроризм ёки босқинчилик эмас. Бу — Марказий Осиё минтақасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг натижасидир. Бу — халқаро экстремистик кучлар томонидан пухта ўйланган, Марказий Осиё давлатларида террорчилик ва босқинчилик йўли билан конституцион тузумни ўзгартириш, дунёвий демократик давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни издан чиқаришга йўналтирилган катта стратегиянинг бир бўғинидир.

Ўзбек халқининг «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган мақоли бор. Ўзбекистон халқи ҳам хурсандчилик, ҳам синов дамларида ҳар доим Қирғизистоннинг матонатли халқи билан бирга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жиноятчи тўдалар буни унутмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти бундан бир йил муқаддам Ватанимизнинг мустақил ва жанговар чегара қўшинларини тузиш ва Ўзбекистон чегаралари қўриқланишини кучайтириш чора-тадбирларига доир қарор қабул қилгани тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хавфсизликни, мамлакат суверенитетини, мустақиллик ютуқларини ҳимоя қилиш — давлатнинггина эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватанпарварнинг масъул бурчидир.

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 13

«Ўзбекистон» телеканали.

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан душанба, 13 сентябрь «Ўзбекистон 1» телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача ЎзТВ -II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

16.00 «Қуйлардан — қўшиқларга». Мусиқий дастур.
16.25 «Озод ва обод юрт».
16.40 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
17.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири учрашувлари ва тантанали очилишидан репортаж.
19.00 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво». Фурқат лирикаси.
22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнирининг тантанали очилишидан репортаж ва кундалик.
23.00 Гёте. «Фауст». Телеспектакль премьераси. 1-қисм.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 Лирик тароналар.
9.05 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 19-серия.
10.00, 12.00, 14.00, Янгиликлар.
«Умид» намойиш этади:
10.05 «Акс-садо ҳақида эртак». Мультфильм.
10.10 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.40 Кундузги сеанс: «Вена почта маркаси». Бадиий фильм.
12.05 «Етгил камолга». Спорт дастури.
12.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Портрет».
12.30 Ватан тимсоллари.
12.35 «Иқтисод ва биз».
13.00 Н. Норқобилов. «Куёши ботмайдиган юрт». Видеофильм. 7-қисм.
14.10 «Меҳригиё».
14.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
15.00 «Оламга саёҳат».
15.20 «Келажак уфқлари».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм.1-қисм.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.(«Қувноқ учрашув», мульттомоша)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
19.45, 20.35, 23.25-Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «О, ёшлигим».
21.00 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
21.20 «Мусиқий лаҳзалар».
21.30 «Худуд». Қува тумани.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр» Ахборот дастури.
22.30 «Муносабат».
22.50 «Олам футболи».
23.10 Шарқ эстрадаси.
23.30 «Инспектор Морз». Телесериал.
01.15 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ерилтош». Мультўплам.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири учрашувлари ва тантанали очилишидан репортаж.
22.00 «Янги иқтисод».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 «Бумеранг».
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 «Тасодиф». Саргузашт фильмлар экрани.
02.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдоршон».
16.00 «Дўстлар ва қўшиқлар». Концерт.
16.30 «Бу ажиб дунё».
16.45 «Мультчархпалак».
*
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси. (Германия)
*
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги кишилар» дастури.
18.45 «Севги йўлида». Телесериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.15 «Вести».
ТВ-6
21.40 «Шайтанат». Сериал. 1-2 қисм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 14

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Умрбоқий қўшиқлар».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.25 Кундузги сеанс: «Дарбадар автобус». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
12.05 «Санъат ғунчалари».
12.30 «Шоирлар — болаларга».
*
13.00 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
13.20 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10 Н. Раҳимов. «Охирги сўз». Андижон вилоят мусиқали драма театрининг спектакли.
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 2-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «Олам ва одам».
18.40 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Халқаро тинчлик кунига: «Тафаккур ва тақдир».
21.25 «Олам қўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.20 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Жиззах вилояти.
22.50 Гёте «Фауст». Телеспектакль премьераси. 2-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.10 Экранда кинокомедия: «Сирли шарча».
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.45, 20.35, 23.10 Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Марду-майдон».
21.00 «Ҳамкорлик».
21.15 «Мусиқий лаҳзалар».
21.25 «02» тўлқинида.
21.40 «Бахтиёр Султонов куйлайди».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мунисам».
22.50 «Ёшлар» телеканалида.
22.55 «Тилсим».
23.15 Синема. «Бокиралик асри».
01.25 «Янги тонг».

ЎзТВ III

17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
21.00 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
21.15 «Суҳбатдош».
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Орхидея вилласи».
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Дўстлар ва қўшиқлар». Концерт.
16.30 «Интернет ҳудуди».
16.45 «Мультчархпалак».
Россия давлат телевидениеси.
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.00 Клип-антракт.
18.05 «Мавзу».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.15 «Вести».
ТВ-6
21.40 «Шайтанат». Сериал. 3-4 қисм.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 15

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чемпионлар».
9.05 «Шарқ тароналари». II Халқаро мусиқа фестивали.
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 20-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қизиқарли учрашувлар».
10.35 Кундузги сеанс: «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Бир қадам...».
12.30 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
13.05 «Талаб ва таклиф».
13.25 «Мисоли уч мушкетёр». Бадиий кўрсатув.
14.10 «Зилол». Мусиқий дастур.
14.40 «Ибн Сино таълимоти».
15.00 «Мураббий». Спорт дастури.
15.20 «Рақслар гулдастаси».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 3-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
18.10 «Умид учқунлари». Painting Тележурнал.
18.30 «Озод юрт одамлари».
18.50 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Сайловчи минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Зарблар сеҳри». Мусиқий дастур.
22.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.20 «Орзулар қанотида». Телебеллашув.
23.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
24.00 «Ахборот».
00.30 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм.1-серия.
01.30-01.35 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», «Билағон маслаҳати»)
18.40 «Болалар дунёси».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Ракурс».
19.55 «Дил рози». Мусиқий дастури.
20.00 «Спорт лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Танишинг: Абдулатиф Жоникулов».
20.50 «Каталог».
21.00 «Баҳс».
21.25 «Рақслар қанотида».
21.45 «Ўзбеккино» намойиш этади : «Наштар» Премьера.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканали.
22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.
00.10 «Хит-коллекция».
00.30 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
21.00 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
21.15 «Осойишталик посбонлари».
21.45 «Кўзгу». Тележурнал.
22.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 «Спорт-тайм».
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.20 Кинонигоҳ. «Қора қурт».
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Болалар олами».
15.55 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Кундузлар ва нефть».
16.25 «Мюзик-холл».
16.45 «Мультчархпалак».
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.05 «Инсон ва қонун».
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун,кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Уорлднет» янгиликлари.
21.40 «Буюк ипак йўли — 99». Тошкентдаги халқаро телебозор.
22.00 «Вести».
22.30 «Спорт-клуб».
ТВ-6
22.40 «Шайтанат». Сериал. 5-қисм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 16

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ер ва диёр васфи». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Япон тили.
10.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
10.45 Кундузги сеанс: «Вертикаль». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
12.05 «Кичкинтой устахонаси».
12.30 «Чаноқвой ва Қовоқвой». Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
*
13.30 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
14.10 «Соғинчли салом».
14.35 «Инсон ва замин». Тележурнал.
15.00 «Тўртинчи ҳокимият».
15.20 «Куйла, ёшлигим».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 4-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.25 «Оила». Тележурнал.
18.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 Санъат усталарининг концерти.
22.10 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
22.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот».
00.10 «Сомон йўли».
00.40 «Инсон қалби ҳақида қисса». Бадиий фильм. 2-серия.
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
18.55 «Истиқлол менинг тақдиримда».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Мусиқий лаҳзалар».
19.40 «Мезон».
19.55, 20.45, 23.05-Эълонлар.
20.00 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
21.15 «Садо—99» тақдим этади.
21.40 «Мутойиба».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Мусиқий глобус».
23.10 «Спорт дастури: 1. Футбол. Чемпионлар лигаси 2. «Спорт китъаси».
01.10 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
21.00 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
21.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Хиванинг меъморий обидалари». Телефильм.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Ишбилармон кишилар».
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «ТВ-4да Немис тўлқини».
16.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Бахти чопган елкашох балиқ».
16.30 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган».
16.40 Клип-антракт.
16.45 «Мультчархпалак».
17.00 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.00 Клип-антракт.
18.05 «Эслашлари учун...». Виталий Доронин. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради.
18.45 «Севги йўлида». Сериал.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
*
20.35 «Яхши ,ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «СНН-шоу».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 «Океан ортига саёҳат».Япония.
ТВ-6
22.40 «Шайтанат». Сериал. 6-қисм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 17

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.15 «Мен туғилган тупроқ».
9.35 «Бу ҳам кино». Телесериал. 21-серия.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 Кундузги сеанс: «Қимматли бола». Бадиий фильм.
12.05 «Қувноқлар даврасида».
12.30 «Қишлоқ ҳаёти».
12.55 «Қўшиқ — маънавият кўзгуси».
13.25 С. Аҳмад. «Буқаламун билан учрашув».
14.10 «Камолот сари».
14.35 «Шарқ тароналари».
14.55 «Сомон йўли».
15.25 «Олов дамини даф этиб...».
15.40 Ж. Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан: «Пурзиё маъво». Ҳужжатли видеофильм. 5-қисм.
16.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Юрт ҳавоси даъвоз».
18.50 «Имконият».
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Баркамол авлод орзуси».
21.35 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири кундалиги.
21.55 «Унутмас мени Ватан». Бадиий-публицистик кўрсатув.
22.30 «Санъаткор саодати». С. Каримова, А. Дадаев.
23.05 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. «Пахтакор» (Ўзбекистон) — «Иртиш» (Қозоғистон)
23.50 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури:
00.20 «Юлдузингни бер, осмон». Бадиий фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Янгиликлар», «Келинг танишайлик», мульттомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Далил ва шарҳ».
19.45, 20.35, 23.15- Эълонлар.
19.50 «Полиция комиссари». Телесериал.
20.40 «Истиқлол қайтарган номлар: Марьям Султонмуродова».
20.55 «Аср қиёфаси».
21.10 «Саломат бўлинг», «Ёшлар наркоманияга қарши».
21.50 «Наволарда оён этсам». Мусиқий дастур.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Автосалтанат».
23.00 Жаҳон эстрадаси.
23.20 Синема.
01.00 «Мунаввар тонг истаб!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ерилтош». Мультўплам.
9.20 «Гулдаста». Мусиқий дам олиш дастури.
9.50 Болажонлар экрани. «Тоғлар оша, ўрмонлар оша».
11.00 «Мусиқий меҳмонхона».
11.15 «Спорт оламида».
11.30 «Фаровонлик бекати».
11.55 Ёқимли оҳанглар.
12.15 Кинонигоҳ. «Ишбилармон кишилар».
13.35-13.50 «Пойтахт» Ахборот кўрсатуви.
***
17.45 Кўрсатувлар дастури.
17.50, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрсатуви.
18.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
22.00 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
22.20 «Саломатлик чорраҳаси».
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.45 Катталар учун эртак.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 Кинонигоҳ. «Жинжер ва Фред».
02.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси. 6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Спорт-клуб».
15.55 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Еввойи Вилли».
16.25 СНН-шоу.
16.40 «Буюк ипак йўли — 99». Тошкентдаги халқаро телебозор.
17.00 «Мультчархпалак».
17.15 «Джентльмен-шоу».
17.45 Ирина Дерюгина «Хотин-қизлар билан содир бўлган воқеалар» дастурида.
18.15 Ҳужжатли детектив.
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 Время.
*
20.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
21.20 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Уорлднет» янгиликлари.
21.40 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Сир яширилган уй». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА, 18

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Телевизион миниатюралар театри».
10.15 «Замин қадри».
10.30 «Шарқнинг машҳур аёллари».
«Умид» намойиш этади:
10.50 «Кўзгу».
11.15 «Мен билган, билмаган дунё».
*
11.40 Кундузги сеанс: «Дерсу Узала». Бадиий фильм.1-серия.
12.50 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
13.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
14.35 «Теран томирлар».
14.55 «Самсон ва Салли». Болалар учун фильм.
15.55 Ватан тимсоллари.
16.00 «Бўстон». Тележурнал.
16.25 Эстрада тароналари.
16.45 «Меҳригиё».
17.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнирининг финал учрашувлари ва тантанали ёпилишидан репортаж.
19.00 «Муҳаббат дарси».
19.10 Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар олдидан: «Марказий сайлов комиссиясида».
19.25,19.55, 21.00, 21.45 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув ва концерт.
21.50 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилишидан репортаж.
22.50 «Санъатга бахшида умр». Г. Измайлова.
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.50 «Куй ва тасвир».
00.10 «Мададкор руҳ». Бадиий фильм.
01.40-01.45 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бўш ўтирма», «Қувноқ учрашув», мульттомоша)
9.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 80-қисм.
10.35 «Ёшлар» телеканалида.
10.40 «Марказий сайлов комиссияси хабарлари».
10.55 «Мусиқий лаҳзалар».
11.05 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
11.25 «Ширин орзулар».
11.45 «Кинотақдим».
12.05 «Рамаяна». Телесериал.
12.40 «Мусиқий глобус».
13.00 «Муносабат».
13.20 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
13.25 «Сир».
13.45 «Спорт китъаси». Теннис.
14.15 «Танишинг: «Тож» гуруҳи».
14.30 «Шу куннинг мавзуси».
14.50 «Тарзан». Телесериал.
15.35 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.05 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
***
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («У ким ? бу нима?» мульттомоша)
18.40 «Ер ишқи». Мусиқий дастур.
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
19.55, 20.35, 23.05 — Эълонлар.
20.00 «Рамаяна». Телесериал.
20.40 «Бизнес-академия».
21.00 «Мусиқий лаҳзалар».
21.05 «Матбуот».
21.20 «Мусиқа тегрaсида».
21.40 «Кутилмаган меҳмон».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 «Давр» интервью.
22.45 «Мафтункор чеҳралар».
23.10 Синема. «Олишув».
02.00 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Соғлом бўлай десангиз.
9.10 «Ханда дўкони».
9.40 «Ерилтош». Мультўплам.
10.00 «Ишдаги ишқ ёки...».
10.20 Болажонлар экрани. «Ҳайвон ўргатувчи».
11.30 «Таянч».
11.55 «Латифа».
12.10 «Ёшлар ҳудуди».
12.40 Ибрат.
13.05 «Бева Бланка». Телесериал.
13.50 «Муаллиф».
14.15 Кинонигоҳ. «Орхидея вилласи».
15.45 Дилором наволар.
16.00-16.45 «Дўстлик» видеоканали. «Бизнен мирас», «Саҳий хонадонда».
*
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Уйинленд». Телеўйин.
18.20 «Табиат шифохонаси».
18.30 «Янги ой чиққан кеча».
18.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турниридан репортаж.
21.00 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Ҳамшаҳарлар».
22.40 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
23.15 Оҳанглар ва эълонлар.
23.30 Кинонигоҳ. «Фирибгарлар найранги».
01.35 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Гамлет». Бадиий фильм.
11.20 «ТАСИС» дастури намойиш этади. «Кундузлар ва нефть».
11.50 «Болалар олами».
12.05-14.15 «Буратинонинг саргузаштлари». Бадиий фильм. 1-2 сериялар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бинафша».
18.20 Киносеанс. «Уч юзта спарталик». Бадиий фильм.
Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.50 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
*
22.30 «Бу ажиб дунё».
22.45 «5 дақиқа ўзинг учун».
22.50 Кинематограф. Кирк Дуглас «Дадил йигитлар» фильмида.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 19

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.00 «Ўзбекистон — Ватаним маним». Мусиқий дастур.
9.25 «Зийнат».
9.45 «Ғаройибот».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
11.25 «Ёзувчи ва замон».
11.50 «Шоҳруҳ» клуби.
12.20 Кундузги сеанс: «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 2-серия.
13.30 Ёш хонандалар концерти.
Спорт дастури:
14.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» — «Сурхон».
14.55 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
*
15.40 «Мозийдан бир мўъжиза».
16.00 «Кўҳна толлар қиссаси». Бадиий фильм.
17.10 1999 — аёллар йили. «Нафосат». Тележурнал.
17.30 «Гулгун давралар». Мусиқий дастур.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.15 Теннис бўйича «Президент кубоги» Халқаро турнири якунларига доир.
22.45 ТВ- 1 намойиш этади: Телеанонс
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
23.00 Кино янгиликлари
23.15 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.35 «Кулги қироли». Бадиий фильм.
01.05-01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Якшанбада яхши дам».
9.30 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Катта танаффус», «Спорт майдончаси», мульттомоша)
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 81-қисм.
11.35 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.45 «Марду-майдон».
12.05 «Лаззат».
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Цирк, цирк, цирк».
13.20 Болалар учун фильм. «Таня ва икки мушкетёр».
14.30 «Мусиқий лаҳзалар».
14.40 «Синфдош».
15.00 «ТАСИС» дастури намойиш этади: «Ер ҳақида ҳикоялар»: «Ўрмон қисмати».
15.30 «Мусиқа салтанати».
15.50 Синема.
17.30 «Бугуннинг боласи».
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
***
18.00 Янги авлод» студияси намойиш этади («Уй вазифаси», мульттомоша)
18.30 «Ватан мадҳи».
18.45 «Китоб жавонингизга».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30, 20.10, 23.20-Эълонлар.
19.35 «Рамаяна». Телесериал.
20.15 «Дунёга йул». Япония.
20.35 «Мусиқий лаҳзалар».
20.40 «Дунё ҳафта ичида».
21.00 «Очун». Мадаминбек. 2-қисм.
21.20 «Мусиқий лаҳзалар».
21.25 «Чироғи ёниқ уй».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Тақдиримдасан, қўшиқ». Илҳом Фармонов.
23.00 «Спорт ҳафтаномаси».
23.25 Синема. «Меркурий» хавф остида».
01.10 «Тонг юлдузи!»

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Соғлом бўлай десангиз.
9.10 «Яхши кайфият».
9.40 Болалар учун. «Уйинленд». Телеўйин.
10.00 Болажонлар экрани. «Шаҳзода ва гадо».
11.15 Жозиба.
11.35 «Бева Бланка». Телесериал.
12.20 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
12.45 «Туризм ҳақида».
13.15 «Тошкент оқшоми» Телешоу.
13.50 «Спорт-тайм».
14.15 «Жавоҳирлар соҳили».
14.35-16.40 Такрорий фильмлар экрани. «Фирибгарлар найранги».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ерилтош». Мультўплам.
18.20 «Латифа».
18.35 «Лайлоқлар». Телефильм.
18.45 «Камолот сари».
19.05 Табриклаймиз, кутлаймиз.
19.25, 19.55, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома».
20.05 «Ибрат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Ватанни севмоқ-иймондандур».
21.45 «Дилором наволар».
22.00 «Даллас». Телесериал.
22.50 «Йиллар ортидаги йўллар».
23.20 «Мусаввир».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. «Эгизаклар» комедия.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.45 «Парле ву франсэ?»
11.10 « Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.20 Кинематограф. «Дадил йигитлар». Бадиий фильм.
13.00 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
13.10 -13.55 «Дўстлик» видеоканали. «Рангинкамон», «Дидар».
***
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Интернет ҳудуди».
18.20 Киносеанс. «Зарба оролигида». Бадиий фильм.
20.10 «Мюзик-холл».
20.35 «Кинопрафия».
20.55 Жаҳон киноси. Дольф Лундгрен жангари «Миньон» фильмида. 1997 йил.
22.40 «Бу ажиб дунё».
22.55 Лаки-Страйк намойиш этади. «Кўримли хонадон».
00.45 «Таҳлилнома» (рус тилида)
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1999 йил 11 сентябрь № 73 (11.156)

ОДАМДАН ОДАМГА СЎЗ ҚОЛАДИ

Кутлов



Мактаб ўқувчиси эдим. Адабиёт муаллимларимизнинг ғазалдай ёқимли, чуқур маъноли сабоқларидан кун сайин адабиётга, сўзга бўлган меҳрим ортиб бораверарди. Бундан ташқари, оиламиз учун китоб нондек қадрли эди. Кутубхоналардаги энг яхши китоблар бизнинг уйимизга «меҳмон»га келарди. Авайлаб-асраб мутолаа қилингач, яна бошқа китобхонлар мулоқотига шошиларди. Ортиқча жиҳозларсиз, ҳашамларсиз ҳам хонадонимиз китоб нури ила файзиёб эди. Улуғ Алишер Навоий, Ҳазрати Жомий, Саккокий, Фузулий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур... Замонамизнинг улуғ адиб ва шоирлари, тарихий асарлар... Улардан олинган маънавий лаззат то ҳозиргача кўнглимнинг ичини нурлантириб, ҳамроҳ бўлиб туради.

Шундай кунларнинг бирида туман газетаси «Суръат»да бир шеърни ўқиб қолдим:

Қалбим узра қора булутдек
Баъзан ташвиш солганда соя.
Бутун олам бўлиб унутдек,
Юрак сиздан излар ҳимоя.
О, одамлар, азиз одамлар.

Баъзан узоқ кутганим бўлур,
Севинчимдан кўзларимда нам.
Сизлар билан бўлашгим келур,
Бахтиёр кун, шодлигимни ҳам
О, одамлар, азиз одамлар.

Бу шеър шундоқлигича хотирамга жойланди. То ҳозиргача ҳам бирор сатри хотиридан фаромуш бўлмади. Шоир Ориф Одилхонов хонадонимизга илк шеърлари ила шу тахлит кириб келди.

Кейин мен ушбу шеърни мақтаниб акамларга айтиб берганимда, у киши кулиб «Э, ҳали билмайсанми, Ориф Одилхонов ўзимиздан чиққан зўр шоир», дедилар.

Менинг биринчи шеърим газетада чиққанида таҳририятга чақиришган, яхши баҳолашган эди. Беш-ўн чоғлиқ тенгқурларим билан биз «ўзимизнинг шоир» Ориф Одилхоновни биринчи марта кўрган эдик. Табиатан қувноқ, ҳазилкаш, одамлар билан осон тиллашиб кетадиган, ажойиб шоир, солиҳ фарзандларнинг отаси Ориф Одилхонов мана бугун 60 ёшга тўлибдилар. Ўтган йиллар мобайнида шоирнинг қанча китоблари ўз мухлислари қўлига етиб борди. Қўшиқлари халқимизнинг юрагидан жой олди. Паркентнинг «ўз шоири» энди ўзбек халқининг шоирига айланди. Ўзининг ажойиб, самимий феъли билан дўстларининг меҳрини қозонди.

Одатда шоир ҳақида сўз кетганида унинг иккинчи ярми бўлган рафиқаси ҳақида тўхталишнинг ўзи бир саодатдир. Биз Муяссар кеннойи деб узоқлардан эъзозлаб юрадиган опамиз майда ўрилган сочлари товонига тушган ажиб бир келинчак эди. У тоғларга, унинг гўзаллигига шундай яраширб тушган эдики, шоир Ориф Одилхоновнинг илк шеъри қай тахлит ёдимда қолган бўлса, Муяссар опанинг ҳар бири битта шеър бўлган лутфи, самимияти шундоқ хотирамда қолган.

Аслида ҳам бу ўткинчи дунёда. одамзоддан одамзодга қоладиган нарса сўз. Шоир Ориф Одилхонов яхши сўз ва яхшилик учун дунёга келган инсон. Табиатидаги самимият шеърларида «мана мен» деб кўзга ташланиб туради.

У айни ўз тупроғининг ҳам шоири. Бир пайтлар ташландиқ ҳолатга келиб қолган «Сўқоқ» дам олиш уйи Ориф Одилхонов ва унинг жамоаси меҳнати билан ажиб бир масканга айланди. Республика ижодкорларининг асарларига мавзу берди.

Ҳурматли Ориф ака! Бир пайтлар ўзингиз

Баъзан узоқ кутганим бўлур,
Севинчимдан кўзларимда нам,
Сизлар билан бўлашгим келур
Бахтиёр кун-шодлигимни ҳам,
О, одамлар, азиз одамлар,

деб ёзган эдингиз.

Мана, шундай кун ҳам келди. Бу қувонч, бу ёш, бу мукофот, бу меҳрлар Сизга ва оилангизга муборак бўлсин. Қувончларингизнинг умри абадий бўлсин!

Шундай қувончларни азиз Паркентимиз, барча дўстларингиз, шогирдларингиз билан бўлишганингиз ҳаммамиз учун ҳам бениҳоя ёқимлидир.

Шарифа САЛИМОВА.

ОТА-ОНАНГ

Меҳрини айлаб қуёш, меҳрибон ота-онанг,
Бошинг узра нур сочар ҳар қачон ота-онанг.

Сен йироқ кетсанг агар, йўлларингга интизор,
Доимо бўлсин дегай, соғ-омон ота-онанг.

Яхшилар сафида бўл, этма ҳеч номинг ёмон,
Бўлмасин зинҳор куйиб, бағри қон ота-онанг.

Қанча ҳурмат айласанг, оз эрур, ёдингда тут,
Жону дил ато этган, жонажон ота-онанг.

Орифо, меҳнат билан эл аро, топсанг шараф,
Фахр этар беҳад кўриб, бегумон, ота-онанг.

БУ ДУНЁ

Ўлим ҳақ деб не одамлар ўтдилар,
Вафоси йўқ бевафодир бу дунё.
Бир-бирига йиғлашиб қон ютдилар,
Вафоси йўқ бевафодир бу дунё.

Авлиёлар, анбиёлар ўтдилар,
Юртни тутган раҳнамолар ўтдилар.
Қаландарлар ҳам гадолар ўтдилар,
Вафоси йўқ бевафодир бу дунё.

Қабристонга бориб ўйла, ибрат қил,
То тириксан, бир-бировни иззат қил.
Миннат нонин тотмай десанг, меҳнат қил,
Вафоси йўқ бевафодир бу дунё.

Мўмин бўлсанг, беозор бўл бир умр,
Ҳақ мустафо сўзлари бу гавҳардир.
Ширин тил бўл, тўғри сўзла, тўғри юр,
Вафоси йўқ бевафодир бу дунё.

Тириклик деб ўзни ҳар ён отмагил,
Ёлғон сўзлаб гуноҳларга ботмагил,
Фойда кўзлаб ғафлат ичра ётмагил,
Вафоси йўқ бевафодир бу дунё.

Ориф эрсанг, камликнинг йўқ зиёни,
Дерлар олим билмас кибру ҳавони.
Чин ошиқлар топмас дардга давони,
Вафоси йўқ бевафодир бу дунё.

ТАБИАТГА ОЗОР

Табиатга озор берманг одамлар,
Тоғларим кўксидан қулатманг бир тош.
Лолалар ҳар баҳор ёйсин гиламлар,
Арчалар эзилиб, тўкмасин кўз ёш.

Тинмасин каклигу саъвалар куйи,
Оҳулар беҳадик сакрашиб юрсин.
Ялпизу райҳоннинг муаттар бўйи,
Димоғларни доим чоғ этиб турсин.
Табиатга озор берманг одамлар.

Ориф ОДИЛХОНОВ.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ТОЖДОР ЎЗГАРДИ

Шохмот

Комбинациялар подшоси деб ном чиқарган жаҳон чемпиони Александр Алехиннинг қўққис вафоти (1946 йил)дан сўнг янги фармонбардорни аниқлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. М. Ботвинник, М. Эйве, С. Решевский, П. Керес ва В. Смислов ўртасида беш даврадан иборат матч-турнир ўтказишга қарор қилинди.

1948 йили Гаага ва Москва шаҳарларида бўлиб ўтган баҳсларда биринчи ўринни эгаллаган техника фанлари доктори, профессор Михаил Ботвинник жаҳоннинг олтинчи расмий чемпиони деб эълон қилинди.

Энди чемпион билан матч ўйнаш ҳуқуқига эга бўлувчи — тож талабгорини аниқлаш керак эди. Халқаро шохмот федерацияси ўзига аъзо мамлакатларни бир неча минтақага ажратди. Шундай қилиб миллий федерация ғолиблари минтақа турнирларига, уларнинг ғолиблари минтақалараро турнирга, буларда ғолиб чиққанлар эса тож талабгорлари турнирига чиқиб, ягона тож талабгори аниқланарди. Сўнгра у чемпион билан баҳс юритади. Ҳар бир туркум уч йил давом этарди. Бир йил мобайнида чемпион ана шундай усулда аниқланиб келинди. Замон ўзгариб, барча соҳаларда тезкорлик талаб қилиняпти. Бу ҳол шохмотни ҳам четлаб ўтмади. Лекин жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ФИДЕ раҳбарияти билан чиқиша олмади, профессионаллар ассоциациясини тузиб, улар орасида жаҳон чемпионлиги матчини ўтказа бошлади. Иккига бўлиниш юзага келди.

ФИДЕ чемпионлиги ҳар йили ўтказилишига Анатолий Карпов ҳам қарши чиқди. Хуллас, бу йилги жаҳон чемпионатида жами 100 нафар гроссмейстер иштирок этди. Дастлабки босқичда 72 кишидан 36 ғолиб аниқланди. Иккинчи босқичда уларга рейтинги баланд яна 28 гроссмейстер қўшилиб, 64 иштирокчини ташкил этди. Учинчи босқичда 32, тўртинчида 16, бешинчисида 8, олтинчисида 4та етинчисида 2 зўр гроссмейстер ўзаро бахс юритадиган бўлди.

Дарвоқе, дастлабки босқичда баҳс юритган 72 иштирокчи сафида ёш вакилимиз Рустам Қосимжонов ҳам бор эди. Чамаси у ўз имкониятларига ортиқча баҳо бериши натижасида панд еб қолди. Франциялик ёш гроссмейстер Бауэр билан биринчи учрашувни дуранг қилиб, иккинчисини бой бериб қўйди. Низомга кўра Рустам ўйиндан четлашса-да, олти минг доллар гонорар билан тақдирланди. ФИДЕнинг асосий мақсади: мукофот жамғармасидан иложи борича кўпроқ етакчи гроссмейстерлар баҳраманд бўлишини кўзда тутган эди. Рустам ёш, бундай мусобақаларга ҳали яна албатта чиқади.

Хўш, энди жаҳон чемпионини аниқлаган финал матчига келсак, унда петербурглик 36 ёшли Александр Халифман билан 28 ёшли ереванлик Владимир Акопян баҳслашди. Бу даражага етиш учун улар йўлларидаги Камский, Крамник, Иванчук, Полгар, Гельфанд, Бареев каби кўплаб забардаст талабгорларни майдондан четлатишга муваффақ бўлдилар.

Олти партиядан иборат финал матчида асаблари мустаҳкамроқ ва тажрибалироқ Александр Халифманга омад кулиб боқди. У жаҳоннинг ФИДЕ тасарруфидаги 14-чемпиони даражасига кўтарилди.


Олтинчи чемпион Анатолий Карпов иккинчи босқичдан бошлаб курашга киришни истамаган бўлса, яна бир ҳиндистонлик Вишванатах Ананд шу йил кузда Гарри Каспаров билан матч ўйнаши туфайли унга тайёргарлик кўриш учун ФИДЕдан розилик олди. Ниҳоят жаҳон чемпиони ўзгарди.

УНВОНИНИ ҚАЙТАРИБ ОЛДИ

Аёллар ўртасида жаҳон чемпиони венгриялик Жужа Полгар баъзи сабабларга кўра белгиланган вақтда матч ўйнолмаслиги туфайли ФИДЕ бу унвон учун энг яқин талабгорлар россиялик Алиса Галямова, билан жаҳон экс-чемпиони Сэ Зюн ўртасида баҳс юритиб, ғолибни чемпион деб эълон қилишга қарор берди. Матчнинг биринчи ярми Қозон шаҳрида ўтказилиб, унда Галямова устун келган бўлса, иккинчи ярми Хитойда ўйналди. Бу ерда хитойлик шохмотчи янада йирикроқ ҳисобда ютиб чиқиб, умумий ҳисоб — 8,5:7,5 нисбатида ғалаба қозонди ва чемпионлик унвонини қайтариб олди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Ушбу диограммада ўйинни оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.



АГАР ЁМОНЛАСАНГ...

(Насрий масал)

ТУРНА «Учиш механикаси» деган каттагина илмий асар ёзибди. Китобда турналар парвозининг ўзига хослиги баён қилиниб, у бир неча бобдан иборат бўлибди: «Турналарнинг тунги парвозида самовий ёритгичларнинг роли», «Турналарнинг кундузги парвозида Ердаги объектларга қараб мўлжал олиш услубиёти», «Турналар парвозида ҳосил бўладиган геометрик шакллар», «Гала бошида ва охирида учувчи турналарнинг бурчлари», «Учар жисмлар яратувчи мухандислар учун тавсиялар».

Асар қушларнинг илмий доираларида катта шов-шувга сабаб бўлибди. Лайлак, Бургут, Лочин, Қалдирғоч каби парвоз усталари асарни юқори баҳолабди.

Бу ҳол Беданага росаям алам қилибди! «Мен кимман? Бедананаман, оҳангим бир хил (бедананики — қайга борса питпилдиқ!) бўлса-да, аммо ёқимли! Гўштим ширинлигидан бедана палов, бедана шўрва каби таомларга кишилар ўч. Уйларининг энг тўри, энг баланд нуқтасидан менга жой беришади. Айбим нимада? Мен ҳам яхши учаманку! Тўхтаб-тўхтаб бўлса-да, узоқларга учиб бора оламан. Турна каби баландпарвоз эмасман, лекин, бу ўта камтарлигимдан. Ҳолбуки, ундан-да баланд учишга имконим, куч-мадорим бор, албатта. Мен ҳам илмий асар ёзаман. Турнадан ўтказвораман. «Учиш динамикаси» деган китоб ёзаман», деб ўйлабди.

Бедана китобини чоп этишдан аввал уни Товус, Ғоз, Товуқ, Ўрдакка кўрсатиб, улардан ижобий тақриз олибди. «Мен ёзганим асосий китоб бўлиб қолиши учун, матбуотда Турна асарини боплаб танқид қилиб чиқиши лозим», деб ўйлаган Бедана Қалдирғочга мурожаат қилибди: «Учишинг бирам чиройлики, дугонам, гап йўқ. Одамлар исмингни қизларга қўйишади. Сен ҳам, мен ҳам кичик қушларданмиз, одамларга Турнадан кўра биз яқинмиз, сенинг ининг уларнинг уйлари тўрида-я! Турнага ким қўйибди, китоб ёзишни... Агар шу китобдан хато, камчилик топиб, илмий кенгашда бир уриб берсанг, сендан миннатдор бўлардим. Эвазига сенинг парвозинг, курган ининг архитектурасини мақтаб, катта мақола ёзиб, расмларинг билан «Яшил дала» журналида чоп эттирардим. «Юксак ва чиройли парвози учун» деган нишон ҳам сеники бўларди...»

Қалдирғоч бироз ўйланиб, сўнг Беданага дебди: «Вой дугонам-ей, думинг калта десам, ақлинг ҳам кемтик эканку. «Учиш динамикаси»ни ёзишга йўл бўлсин, сенга, тавба...»

Қалдирғоч бор гапни оқизмай-томизмай Бургутга етказибди. Бургут ғазабдан қанотларини кенг ёйиб, бу ғирромлик учун адабини бериб қўяман, деб Беданани қидира кетипти. Бедана бедапояда писиб ётипти. Бургут уни ҳамон тута олгани йўқ...

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ.

Қатра

СЕҲР

ОШИҚ билан маъшуқ гулзорда суҳбат қилишарди. Учрашган вақтларида иккисининг кўзига бу оламда ҳеч нима кўринмасди, кўнгилларига бирон-бир гап келмасди. Икки жуфт мафтун кўзлар бир-бирига хумор боққанча масрур тикилишарди. Бу сафар ҳам учрашувлари қизиқ кечди...

Ошиқ маъшуқнинг қулоғига алланима деб пичирлади, иккисининг маъюс юзига ширин табассум югурди. Улар анча вақт жимайишиб ўтиришди...

Ўт-ўланларнинг шамолда тебраниши, қушларнинг хушнаво хониши, сой сувининг шилдираб кишига завқ улашиши гўё севишган икки қалбни олқишларди...

Шу пайт олисдан дутор навоси жаранглай бошлади. Ошиқ-маъшуқлар жим тинглашди. Бутун борлиқ куй сеҳрига кўмилган, қушлар эса сайрашдан тўхташган эди. Ошиқ ва маъшуқ дунёни унутган, дудоғини дудоғига босганча жим эдилар. Дутор овози тамом бўлиши билан севишганлар кўзидан ёшлар сизиб чиқди, нурли юзларини ювиб ўтди.

Шунинг учун бўлса керак, дуторнинг майин овозию найининг мунгли ноласи ошиқлар сеҳридан яралган дейишади...

Норжигит ҚОДИРОВ, муаллим.

Дилкаш суҳбатлар

УФҚЛАРГА туташ далалар. Бир томони ям-яшил бедазор, бир томон эса қулф урган экинзорлар. Ҳар куни ювилаверганидан тупроғи упадек бўлиб кетган дала йўлида майкачан, бошида қоғоз қалпоқ бир бола келяпти. Тиккага келган қуёш тафтини сезмайди ҳам. Ҳар қадам босганида кўтарилган чанг анча вақтгача муаллақ туради. Бола ариқ томон бурилди. Шарқираб оқаётган муздек сувда юз-қўлларини ювди. Ҳовучлаб сув ичди. Сўнгра оёқларини сувга солиб ўтирди. Ўзича хиргойи бошлади. Қўнғироқни эслатгувчи овоз иссиқда ҳолсизланиб ётган далалар узра таралиб, ҳаво тўрларини силкитиб юборди...

ЮРТНИ КУЙЛАЙМАН, ИНСОФНИ ҚЎЙМАЙМАН



Бу Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли хонанда Маҳмуджон Азимовнинг болалигидан бир лавҳа.

— Маҳмуджон, сиз дастлаб Тошкент Давлат университетининг «Дилнавоз» талабалар ансамблида қатнашганингизни, Тошкент тумани маданият уйида хизмат қилганингизни, Шредер номли боғдорчилик илмий-текшириш институтининг техникумида тил ва адабиётдан дарс берганлигингизни, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси Маданият саройи қошидаги «Парвоз» ашула ва рақс дастасида фаолият кўрсатганингизни биламиз. Ҳозирги қўшиқчилигимиз ҳақида фикрингизни билишни истардик?

— Биласиз, илк марта саҳнага чиққанимдан бери мумтоз қўшиқларимдан, дилга малҳам бўладиган шундай шеърларни куйлаб келаман. Аввалларидан ҳар нарсанинг қолипи бор эди. Яратганга шукур, шу қолиплардан бугун халос бўлдик. Ҳар бир шеър, асар ёки қўшиқ ўз даврининг кўзгуси бўлиб қолади. Эсингиздами, «Бепоён юртимнинг бир гулбоғи, Москвадан нур эмган бахт маёғи» деб куйланмаган бирорта йиғилиш бўлмасди. Истиқлол шарофати билан «Ўзбекистон қўшиқ байрами», «Эстрада қўшиқлари», Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов сингари машҳур ҳофизларимиз меросига бағишланган танловлар ўтказилмоқда. Янги-янги қўшиқлар яратилмоқда. Гуруҳлар, хушовоз хонандалар пайдо бўлмоқда.

— Уларнинг ҳаммаси санъатимизда ўз ўрнини топиб, «Ялла» ансамбли сингари яшаб қолармикин?

— Буни келажак кўрсатади. Бояги фикримни тугатай. Хонандалар кўплиги, гуруҳлар сероблигини олқишлаш керак. Лекин қўшиқ қандай, ҳамма гап мана шунда, «Ялла» ҳақида гапирдингиз. «Ялла»нинг биронта бачкана қўшиғи йўқ. Миллий қўшиқчилигимиз эстрада унда уйғунлашиб кетган. Агар ҳозирги ёшлар ўртасидаги гуруҳларнинг лоақал ярми XXI асрда ҳам донг таратиб турса, маданиятимизнинг бахтидан нишона бўларди...

Навбат Маҳмуджон Азимовга берилди. Залда қарсаклар янгради. Маҳмуджон овозида жиндак мунг, жиндак ҳасрат ила қўшиқни бошлади:

Самарқандга борсам
мен агар,
Улуғбекни кўрмай
қайтмайман.

Зал жим-жит эди. Торлар гоҳ титраб, гоҳ нола чекиб, йиллар фожиасидан ҳикоя қиларди. Қўшиққа қўшиқлар уланди. Бир маҳал қўлма-қўл бўлиб, залдан бир парча қоғоз саҳнага етиб келди: «Оғайни, жуда юракни сиқворгингиз-ку, шўхроғидан айтинг. Ўйинчингиз борми, ўзи?»

Маҳмуджон уни ўқиб, бир нафас жим қолди. Сўнгра яна бир қўшиқ айтиб, томошабинларга таъзим бажо этди. Унинг озор топган дилидан: «Энди бўлди, айтмайман, одамларга тинглаш малол келар экан. Яхшиси мактабга қайтвораман, барибир маърифат улашаман-ку», деган фикр ўтди. Шу ният билан ҳатто тўйларга ҳам узр сўраб, бормай юрди. Бир гал эрталабки ошга таклиф қилиб келган одам уни койиди: «Бунақа қилманг, укажон, ахир сизнинг овозингиз, қўшиғингиз деб келганмиз. Мухлисларингизни йўқотиб қўясиз». Бу Маҳмуджон Азимовнинг ҳаётидан иккинчи лавҳа.

— Маҳмуджон, сирасини айтганда бунақанги воқеата сиз айтганмисиз ёки Охунжон Мадалиевми?

— Биринчи марта Маъмуржон Тўхтасинов ижро этган эди, нега сўраяпсиз?

— Шу қўшиқ ўзингизники эмасдек назаримда. «Ўзингиз қайдасиз Файзулла бобо», «Мен дардимни кимга айтаман», Бобур ҳақидаги қўшиқларни ижрочисини эълон қилмасдан айтсангиз ҳам ҳамма Маҳмуджон айтяпти, дейди. Бу қўшиқларингиз сизга ташриф қоғозидек бўлиб қолган. Шунақанги қўшиқлар яратяпсизми?

— Ҳар бир ҳофизнинг ўз тингловчиси бўлади. Шу сабабли жуда сермаҳсул ижод қилаётганим йўқ. Чунки тингловчисини тополмаса қўшиқ сарсон бўлиб қолади. Бу билан ижоддан воз кечдим, деяётганим йўқ. Сайёра Тўйчиеванинг «Адашганни кечирар менинг халқим» қўшиғини яратдик. Одамлар жуда яхши қабул қилди. Ўзбекча кураш бўйича жаҳон биринчилиги кунлари янграган «Ўзбекистон полвонлари»ни ҳам Сайёра опа билан тайёрладик.

Дилимда ниятларим кўп. Инсофни, иймонни, диёнатни куйласам дейман. Ватанга жонфидоликни куйласам дейман. Буларсиз ахир маънавият йўқ. Яшашда мазмун йўқ. Биз тўғри йўлга чиқиб олдик. XXI асримиз маънавий юксалиш, баркамоллик асри бўлади. Ҳали дунёга янги Навоийлар, янги Бобурлар, янги Тўйчи ҳофизлар сингари нодир овоз соҳиблари келади...

— Унгача сиз, сизнинг сафдошларингиз ижод қилиши, халқимизга яшаш, яратиш руҳини улашиши керак...

— Албатта. Шу йўлдаги нимаики топганимиз бўлса, халққа, Ватанга тақдим этамиз.

— Маҳмуджон, муштарийларимизга дил сўзларингизни айтсангиз?

— Яхши қўшиқ ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Суҳбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

O'ZBEKISTON 1999 CHEMPIONATI

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДАЛАР

ЎЗБЕКИСТОН саккизинчи миллий чемпионати биринчи табақасида иштирок этаётган жамоалар куни кеча навбатдаги 26 тур учрашувларини ўтказдилар.

ТОШКЕНТ вилояти вакилларидан Ангреннинг «Семурғ» жамоаси ўз майдонида «Орол»ни қабул қилиб, навбатдаги 18-ғалабасини қўлга киритди ва тўпланган очколар сонини 56тага етказди. Бахтиёр Султонов 14 дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлди. 75 дақиқада меҳмонлар дарвозаси томон белгиланган 11 метрлик жарима тўпидан сўнг ҳисоб 2:0га ўзгарди. Бир дақиқа ўтар-ўтмас эса меҳмонлар қарши ҳужумни самарали якунладилар. Т. Искандаров жавоб тўпини киритишга эришди. Учрашув тугашига саноқли дақиқа қолганда Е. Ҳошимов ҳисобни 3:1га етказди.

Қибрайнинг «Роҳат» жамоаси эса ўз майдонида «Хива»ни қабул қилиб, дуранг натижага эришди. Ўйиннинг 17 дақиқасида меҳмонлар ҳужумчиси И. Сатторов ҳисобни очган бўлса, учрашувнинг сўнгги дақиқаларида В. Ликов 11 метрлик жарима тўпи билан ҳисобни тенглаштирди. «Роҳат» 36 очко тўплаб 9 ўринни банд этиб турибди. Вилоятимизнинг яна бир вакили «Ғазалкент» футболчилари «Цементчи» меҳмони бўлиб, ўйинни 1:0 ҳисобида бой бердилар. «Ғазалкент» 23 учрашувдан сўнг 29 очко тўплаган ҳолда жадвалда 10 ўринни банд этиб турибди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўрчи» — «Машъал» 0:0, «Шўртон» — «Қизилқум» 0:1, МХСК — «Шаҳрихон» 1:4, «Ситора» — «Косонсой» 2:1, «Қува» — «Истиқлол» 3:1.

Талъат ЮСУПОВ.

25 турдан сўнг жамоаларнинг жадвалда тутган ўринлари.

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Қизилқум»	25	18	6	1	62-16	60
2. «Семурғ»	24	18	2	4	50-15	56
3. «Кимёгар»	22	15	5	2	47-13	50
4. «Машъал»	25	13	7	5	54-26	46
5. «Шаҳрихон»	25	12	8	5	61-34	44
6. «Косонсой»	25	12	4	9	47-34	40
7. «Шўрчи»	25	11	5	9	43-42	38
8. «Цементчи»	25	11	4	10	33-35	37
9. «Роҳат»	24	9	9	6	33-28	36
10. «Ғазалкент»	23	9	2	12	38-49	29
11. «Орол»	25	8	4	13	27-40	28
12. «Истиқлол»	24	9	1	14	26-53	28
13. «Шўртан»	25	8	2	15	39-39	26
14. «Хива»	25	7	5	13	22-33	26
15. МХСК	24	7	3	14	38-48	24
16. «Қува»	25	6	5	14	28-51	23
17. «Сергели»	23	4	2	17	24-63	14
18. «Ситора»	24	3	4	17	17-70	13

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 11-15 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Ҳафта ўртасида айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Ҳарорат кечалари 15-20, кундуз кунлари 22-27 даража иссиқ бўлади.

Акмал Икромов туманидаги 62-кечки ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Усмонов Эргаш Мирзабекович номига берилган 438018 рақамли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими **Эътибор МАМАЖОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0714. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5 6